

Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи аудитини такомиллаштириш. Рашидов Лазизбек Фарходович

МУНДАРИЖА

КИРИШ		
1-БОБ	ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1.	Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида тўқимачилик саноати тараққиётининг кўрсаткичлари ва истикболлари	
1.2.	Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати ва унга тўқимачилик корхоналари технологик хусусиятларининг таъсири	
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	
2-БОБ	“SOTEX TEXTILE” МЧЖ ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
2.1.	Тўқимачилик корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларининг ички назорати.	
2.2.	Тўқимачилик корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархининг аудити такомиллаштириш.	
2.3.	Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларининг аудиторлик таҳлили.	
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	
3-БОБ	ИЧКИ ХЎЖАЛИК РЕЗЕРВЛАРИНИ ҚИДИРИБ ТОПИШ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ	
3.1.	Тўқимачилик корхоналари фаолияти бошқарув таҳлилининг ахборот манбалари ва қўлланиладиган усуллари.....	
3.2.	Тўқимачилик саноати корхоналарида таъминот-тайёрлов фаолияти таҳлилининг такомиллаштириш.....	
	Хулоса	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
	Иловалар	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув тизимини ташкил этиш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада республикаимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда ҳам ҳал этилган, деб бўлмайди. Бу камчилик, айниқса, биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган енгил саноат, фармацевтика ва қурилиш материаллари саноати каби истеъмол товарлари ишлаб чиқариладиган тармоқларга тегишлидир»¹.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналари мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор бўлишида саноат ишлаб чиқариши марказий бўғинлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг ривожланиши кўпгина иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни бажаришда муҳим ўрин эгаллайди. Бу вазият илмий ишнинг ҳолати учун ҳозирги долзарб соҳа бўлиб ҳисобланади.

Тўқимачилик саноатида ҳар томонлама сифатли ислохотларни ўтказишнинг асосий шартлари бўлиб, ҳисоб ва назоратнинг янги тизимларини ўрнатишдан иборат бўлади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ва аудитини ташкил этиш соҳаси тадқиқот ўтказишнинг асосини белгилаб беради.

Дарҳақиқат, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши лозим. Бу эса, ўз навбатида, корхона иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлайди.

¹ Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б.15.

Тўқимачилик саноати корхоналари самарали фаолият кўрсатишлари учун эса, хўжалик механизмининг барча элементлари мукамал ишлаши лозим. Хусусан, бошқарув ҳисоби ички хўжалик механизмининг муҳим элементи сифатида молия-хўжалик фаолиятининг барча босқичларини зарур маълумотлар билан таъминлаш, муқобил бошқарув қарорларини тайёрлаш, улардан самаралисини тадбиқ этиш, ҳисоб, назорат ва таҳлил ишларини ташкил этиш масалалари нафақат жорий йил, балки ўтган йиллар таҳлили ҳамда келажакни прогноз қилишда ҳам муҳим долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Республикада бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди, жумладан: Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва реализация харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини ҳисобга олиш ва молиявий натижаларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Қабул қилинган қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларнинг аксарият қисми молиявий ҳисоб ва аудитни такомиллаштиришга қаратилган. Шу боисдан, Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш ҳамда унинг назарий, услубий ва ташкилий асосларини бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда тўқимачилик саноати корхоналарида шакллантириш ҳозирги куннинг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Юқоридагиларнинг барчаси тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамиятли эканлигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи ҳисоби ва унинг аудитини такомиллаштириш масалалари хорижий ва МДХ мамлакатларининг иқтисодчи олимлари А.Ф.Аксененко, И.А.Белов, Н.Д.Врублевский, К.Друри, В.Б.Ивашкевич, Т.П.Карпова, В.Э.Керимов, И.А.Ламыкин, А.Д.Ларионова, Р.Мюллендорф, В.Ф.Палий, М.З.Пизенгольц, В.К.Радостовец, С.С.Сатубалдин, Ч.Т.Хорнгрен, Дж.Фостер, Н.Г.Чумаченко, А.Д.Шереметлар томонидан чуқур тадқиқ қилинган².

Бу борада мамлакатимиз олимлари А.А.Абдуғаниев, М.Қ.Пардаев, О.М.Жуманов, А.Х.Пардаев, Н.Ю.Жўраев, А.К.Ибрагимов, М.М.Тўлахўжаева, Б.А.Хасанов, О.Бобожонов, Э.Ф.Гадоев, Ш.У.Хайдаров, С.Ю.Юлдашев, О.А.Машарипов, Б.Ю.Мақсудов, Х.А.Ортиқов, М.Ю.Рахимов, Б.Эшнаевлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган³. Аммо, мазкур муаммонинг тўқимачилик саноати корхоналарига хос жиҳатларига оид қатор масалалар етарли даражада ўз ечимини топмаган. Тўқимачилик саноати корхоналарида турли ташкилий-иқтисодий шакллардаги хўжалик юритувчи субъектлар шаклланиши ва улар фаолиятидаги турли масалаларни ҳал этишда мустақиллик берилганлиги, ишлаб чиқариш фаолиятидаги бошқарувда, хусусан, ахборот таъминоти тизимида янгича ёндашувлар талаб этилмоқда.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва аудит қилиш, бошқарувнинг ахборот таъминотини такомиллаштириш тўқимачилик

² Врублевский Н.Д. Управленческий учет издержек производства: теория и практика. М., 2002. – 352 с.; Друри К. Введение в управленческий и производственный учет. М., 1998. – 224 с.; Керимов В.Э. Организация и методология управленческого учета. М., автореф. докт. дисс., 2001.; Мюллендорф Р., Корренбауэр М. Производственный учет. М., 1996. – 158 с.; Хорнгрен Ч.Т.Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект. – М., 1995. – 415 с.; Шеремет А.Д. Управленческий учет. М., 1999. – 512 с.

³ Абдуғаниев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари.-Тошкент, 2003. -275 б.; Жуманов О. Бошқариш ҳисоби: иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси (Русчадан муаллифлаштирилган таржима). – Тошкент, 2001. -152 б.; Пардаев А. Бошқарув ҳисоби.-Тошкент, 2002.-176 б.; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. - Тошкент, 2003.- 247 б.; Бобожонов О, Жуманиёзов К. Бошқарув ҳисоби. - Тошкент, 2005. - 355 б.

саноати корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Юқорида қайд этилган масалалар диссертация мавзуси ва мақсадини, объектини белгилашга асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистрлик илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тўқимачилик саноати корхоналарида ички хўжалик резервларини қидириб топиш ва самарали фойдаланишда Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи ҳисоби, аудит ва таҳлилининг ташкилий ва услубий асослари такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

– Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида тўқимачилик саноати тараққиётининг кўрсаткичлари ва истиқболларини белгилаш;

– Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи ҳисобини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати ва унга тўқимачилик корхоналари технологик хусусиятларининг таъсирини аниқлаш;

– ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш ва унинг аудитини утказиш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсия ва амалий таклифлар бериш;

– тўқимачилик корхоналари фаолияти бошқарув таҳлилининг ахборот манбалари ва қўлланиладиган усулларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, “SOTEX TEXTILE” масулияти чекланган жамият шаклидаги тўқимачилик саноатига ихтисослашган корхона ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, иқтисодий статистик усуллардан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий жиҳатлар:

– тўқимачилик саноати корхоналари бошқарув ҳисобида такомиллашган бошланғич ҳужжатлар шакллари ишлаб чиқиш тавсия қилинди;

– Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» асосида тўқимачилик саноати корхоналари учун бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режаси таклиф қилинди.

Илмий янгилиги:

– Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи ҳисобини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди ва тўқимачилик корхоналари технологик хусусиятларининг келиб чиқиб уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

– ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва унинг аудитини утказиш усуллари такомиллаштириш бўйича илмий тавсия ва амалий таклифлар берилди;

– тўқимачилик корхоналари фаолияти бошқарув таҳлилининг ахборот манбалари ва қўлланиладиган усуллари такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот жараёнида олинган таклиф ва тавсияларни амалиётга тадбиқ қилиш тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва таҳлилини ташкил этиш ва такомиллаштириш имкониятини беради.

Тўқимачилик саноати корхоналари бошқарув тизимида ички ва ташқи мақсадлар учун зарур бўладиган ахборотларни шакллантириш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларидан тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув ҳисобини ташкил этиш, олий ўқув юртларида «Бошқарув ҳисоби», “Молиявий ва бошқарув таҳлил”, “Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлил ва аудит” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертациянинг илмий хулоса ва амалий тавсиялари “ODIL AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ва унинг аудитини такомиллаштириш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот натижалари қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар кўринишида баён қилинган ва маъқулланган:

Диссертация иши Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Ишнинг илмий ғоялари ва натижалари 2 та тезислар кўринишида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий иш таркибан кириш, уч боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати расмлардан иборат.

I-БОБ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида тўқимачилик саноати тараққиётининг кўрсаткичлари ва истиқболлари

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув ҳисоби ва таҳлилини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш, улардан бошқарув қарорларини энг мақбул вариантларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш, замонавий инвестицион лойиҳалар устида жиддий изланишлар олиб бориш талаби кенгайиб бормоқда.

Бу борада, Президентимиз И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар, “Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000-йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011-йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин⁴.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификатсия қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳукуматнинг чорак якунларига бағишланган йиғилишларида қабул қилинган Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурини ва модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тасдиқланган тармоқ жадваллари ижроси таъминланишини

⁴ Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б.22.

кўриб чиқиш ва уларнинг бажарилиши учун ўз вақтида тегишли чоралар кўриш тартибини жорий этиш даркор”⁵.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати янада жадал ривожланиб бормоқда. Бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори тўқимачилик саноати учун улкан имкониятлар очиб берди. Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган дастур доирасида умумий қиймати 1,7 миллиард долларлик 55 янги инвестиция лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш, жумладан, тугалланган ишлаб чиқариш жараёнига эга вертикал интеграциялашган тўқимачилик мажмуаларини ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда дунёда тўқимачилик саноати маҳсулот экспорт қилаётган тармоқлар орасида юқори рейтингга эга бўлиб, ипдан тортиб тайёр маҳсулотларгача бўлган кенг турдаги ҳилма-ҳил маҳсулотларни экспорт қилмоқда.

Ўзбекистон енгил саноатини мамлакатимиз саноат мажмуидаги энг илғор тузилма ташкил этувчи тармоқлардан бири дейиш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида бу соҳа улуши 2,7, саноат ишлаб чиқаришида 26, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмида 44 фоиздан ортади. Бундай юксак марраларга мамлакатимиз ва хорижий инвесторлар учун жозибадор бўлган бир қатор қулай шарт-шароитлар туфайли эришилди. “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компаниясида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 265 та тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж корхоналари бор. Улар орасида мамлакатимизда хорижий сармояларни ҳимоя қилиш учун яратилган ҳуқуқий база ва амалда қўлланилаётган имтиёз ҳамда преференциялар туфайли ташкил қилинган қўшма корхоналар ҳам кўп.

⁵ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 14.

Тўқимачилик саноатининг ЯИМда улуши, у билан боғлиқ тармоқларга таъсирини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 7.1 %дан 19.5 % қадар ўсади (1.1-жадвал).

1.1-жадвал.

Тўқимачилик саноатининг ЯИМдаги тахминий улуши⁶, (фоизда)

Тармоқнинг номи	Йиллар						
	2006	2007	2008	2009	20010	2011	2012
ЯИМ	100	100	100	100	100	100	100
Тўқимачилик саноатининг улуши:							
Тўғридан-тўғри	2,8	3,7	4,2	5,5	7,0	8,3	10,7
Билвосита	4,3	4,7	5,1	5,9	6,8	7,5	8,8
Ялпи ҳисса	7,1	8,4	9,3	11,4	13,9	15,9	19,5

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда ушбу корхоналар йилига 373 минг тонна ип калава, 282 миллион квадрат метр ип газлама, 81,8 минг тонна трикотаж мато, 168 миллионта тикувчилик-трикотаж буюмлари ва 71,3 миллион жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Бу йил компания корхоналари 1,56 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари, шу жумладан, 421,1 миллиард сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида муҳим стратегик маҳсулот бўлган пахта етиштирувчи ва етказиб берувчи асосий мамлакат бўлиб, дунёда пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради. “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси маҳсулотлари Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Американинг 40 дан зиёд давлатига экспорт қилинмоқда. 2012 йил яқунларига кўра, маҳсулот экспорти ҳажми

⁶ Бозор, пул кредит ва банк журнали 2011 йил 5-сон, Б.27.



1.1-расм. Тўқимачилик саноати корхоналарининг тузилмавий шакли⁷

⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

2011 йилга қараганда 160 фоизни ташкил қилди. Жорий йилда экспортга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини, жумладан, маркетинг хизматларни ривожлантириш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорларига фаол олиб чиқиш ҳисобидан кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Бу ишлар билан “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси корхоналарининг 40 диллерлик ваколатхонаси шуғулланмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, хорижий инвестициялар оқимининг барқарор кўпаяётгани Ўзбекистон енгил саноатини жадал ривожлантиришнинг яна бир кўрсаткичи ҳисобланади. 2012 йилда тармоққа 119,4 миллион доллар инвестиция жалб қилинди ва 27 корхона ишга туширилди. Шу йилнинг охиригача компания Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 150 миллион долларлик инвестицияларни жалб этиш ва 28 янги корхонани ишга туширишни мўлжалламоқда⁸.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган “Ўзбекенгилсаноат” ДАКнинг бошқарув тизимини қуйидаги 1.1-расмда акс эттирамиз.

Одатда, хорижий давлатларнинг корхоналарида бухгалтерия ҳисоби юритишга ажратиладиган вақтнинг 90%и бошқарув ҳисобини юритиш ва бошқарув ахборотларини қайта ишлашга қаратилади.

Тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув ҳисобининг асосий мақсади бўлиб, корхона тараққиётини белгиловчи лойиҳалар таҳлили, истиқболни белгилаш, бюджетлаштириш, жавобгарлик марказлари бўйича сегментар ҳисоботни тузиш, оқилona трансферт баҳоларини ўрнатиш ва амалий бошқарув қарорларини мувофиқлаштириш тизими ҳисобланади.

Бошқарув ҳисоби тактикаси эса жорий даврда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, харажатлар ва маҳсулот таннархи калькуляцияси бўйича ҳисоб юритиш, далиллаш, қабул қилинган қарорларни таҳлил ва назорат қилиш, шунингдек, уларнинг ижроси учун жавобгарлик кабилардан иборат.

⁸www.legprom.uz

Тўқимачилик корхоналарида бошқарув ҳисобининг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат:

- корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш борасида истиқболли бошқарув қарорлари қабул қилиш учун зарур ахборотлар манбасини шакллантириш ва раҳбарларни улар билан таъминлаш;

- корхона молиявий-хўжалик фаолиятини тезкор бошқаришда менежерларга ишончли, юқори самарадор ахборотларни ўз вақтида етказиб бериш;

- маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархини тўғри аниқлаш, белгиланган меъёрлардан четланишлар ва уларнинг юзага келиш сабабларини кўрсатиб бериш ва ҳ.к.

Бошқарув ҳисоби оператив ва башорат бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган барча ташкилот ва унинг таркибий бўлимлари харажат ва натижаларини ўзида мужассам этадиган бухгалтерия тизимининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади.

Бошқарув ҳисоби бўйича бир қатор олимлар ўзларининг илмий ишларида таърифини бериб ўтганлар. Шу жумладан, хорижий давлат олимларидан Р.Энтони ва Д.Риснинг таъкидлашларича: “Бошқарув ҳисоби – бу ташкилот доирасидаги аппаратини режалаштириш, ички бўғинларини бошқариш ва корхона фаолиятини назорат қилишда ишлатиладиган маълумотлар билан таъминлайдиган жараёндир. Бу жараён бошқарув маълумотларни аниқлаш, ўлчаш, тўплаш, таҳлил қилиш, тайёрлаш, узатиш ва қабул қилишни ўз ичига олади”⁹.

Хориж адабиётида бошқарув ҳисобининг кўплаб белгилари мавжуд. Масалан, Дж.Шим ва Дж.Сигал уни корхона томонидан “режалаштириш, назорат ва қарорлар қабул қилиш функцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган ҳисоб услуби” сифатида таърифлайдилар¹⁰.

⁹ Энтони Р., Рис Д. Учет и анализ в промышленном США. – М.: Финансы, 1971. – С. 4.

¹⁰ Шим Дж., Сигел Дж. Методы управления стоимостью и анализа затрат. – М.: Финансы, 1996. – С. 9.

А.Яругова бухгалтерия ҳисобини бошқарув қуроли сифатида қараб чиқишни таклиф қилади. Унинг фикрича, бухгалтерия ҳисоби, режалаштириш ва статистика биргаликда бошқарув ҳисобини ташкил этувчи ягона бир бутунлик деб қаралади¹¹.

Б.Нидлз, Х.Андерсон ва Д.Колдуэллларнинг ҳисоблашларида, “бошқарув ҳисоби молиявий ҳисобни кенгайтиради ва энг аввало у фирманинг ички операцияларида қўлланилади. Унинг мақсади - аниқ ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиш учун масъул менежерларни ахборот билан таъминлашдан иборат”¹².

Р.Энтони ва Дж.Рисларнинг назарида, “Бошқарув ҳисоби - бу корхона доирасидаги жараён бўлиб, у бошқарув аппаратини режалаштириш, корхона фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва бошқариш учун фойдаланиладиган ахборотлар билан таъминлайди. Мазкур жараён бошқарув аппаратини ўзининг функцияларини бажариши учун аниқлашни, ўлчашни, тўплашни, таҳлил қилишни, тайёрлашни, қабул қилишни ўз ичига олади”¹³.

Хорнгрен Ч.Т. ва Фостер Дж.лар ҳам бу нуқтаи-назарни қўллаб қувватлашади. Уларнинг таърифича, “Бошқарув ҳисоби - ўлчаш, тўплаш, тизимлаштириш, баланслаштириш, таҳлил қилиш ва бошқариш учун зарур бўлган ахборотни узатишдир. Унинг иккинчи номи ички ҳисоб (internal accounting) ҳисобланади”¹⁴.

Бошқарув ҳисобининг пайдо бўлишини Ришар Ж. тижорат сири оқибати деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг динамик концепцияси тури, холос ва тарихий жиҳатдан у тижорат сири оқибати сифатида капиталистик оламда пайдо бўлган. Унинг “махфий ҳисоб” деган номи шундан келиб чиққан¹⁵.

¹¹ Яругова А. Управленческий учет: опыт экономики развитых стран. – М.: Финансы и статистика, 1991. – С. 47.

¹² Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 1994. – С. 24.

¹³ Энтони Р., Дж. Рис. Учет: ситуации и примеры. – М.: Финансы и статистика, 1993. – С. 269.

¹⁴ Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект. – М.: Финансы и статистика, 1995. – С. 8.

¹⁵ Ришар Ж. Бухгалтерский учет: теория, практика. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С. 108.

Профессор Ю.М.Иткиннинг таъкидлашича, бизнинг бухгалтерия ҳисобимизда ички (бошқарув) ҳисоби билан ахборотдан асосан ташқи фойдаланувчилар учун мўлжалланган молиявий ҳисоб ўртасида функционал чегара йўқ. Ислохотнинг асосий мақсадига эришиш, миллий бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартларга ва бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолга келтиришга эришиш учун ҳали кўп иш қилиш керак бўлади¹⁶.

Бошқарув ҳисобининг С.С.Сатубалдин берган таърифи қуйидагича: “Бошқарув ҳисоби - харажатлар таснифи, уларни қайд этиш, жавобгарлик марказлари ёки фойда марказлари бўйича харажатларни туркумланиши, корхоналар фаолияти тўғрисида сметалар ва ҳисобот тузиш ва уларнинг таҳлили, самарали бошқарув қарорларини қабул қилиши ва танлаш учун раҳбариятга ахборот тайёрлаш билан иш тутади”¹⁷.

Йигирманчи асрнинг охирига келиб бозор иқтисоди ривожланган мамлакатларда стратегик бошқарув ҳисоби ва таҳлилининг роли кескин ўсади, бу бошқарув ҳисоби мазмунида ҳам ўз аксини топади.

В.Ф.Палий ва Р.В.Вильларнинг фикрича, “Бошқарув ҳисобининг моҳияти, ишбилармонлик фаолиятини бошқариш жараёнида менежерларга асқотадиган ёки зарур бўлган ахборотни тақдим этишдан иборат”¹⁸.

А.Д.Шеремет таъкидлайдики, “Бошқарув ҳисоби хусусиятларини ўрганиш унинг қуйидаги мақсадларга хизмат қилиш ҳақида хулосалар чиқариш имконини беради:

- ишлаб чиқаришни бошқариш ва келажакда қарорлар қабул қилиш учун маъмуриятга зарурий ахборотни тақдим этиш;

- маҳсулот (ишлар ва хизматлар)нинг ва белгиланган меъёрлар, стандартлар, сметалардан оғишишларни ҳақиқий таннархини ҳисоблаш;

¹⁶ Иткин Ю.М., Сотиболдиев А.С. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига шарҳлар. Бозор, пул ва кредит. –1997. № 3. – Б. 22-24.

¹⁷ Сатубалдин С.С. Учет и затрат на производство в промышленности США. – М.: Финансы, 1980. – С. 18.

¹⁸ Палий В.Ф., Вандер Виль Р. Управленческий учет. – М.: Инфра, 1997. – С.

- сотилган буюмлар ёки уларнинг гуруҳлари, янги технологик қарорлар, масъулият марказлари ва бошқа позициялар бўйича молиявий натижаларни аниқлаш”¹⁹.

Бу борада мамлакатимиз олимларидан Б.А.Хасанов “Бошқарув ҳисоби - корхона бўлинмалари фаолиятлари юзасидан тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур ахборотларни тақдим этувчи, бюджетлаштириш, инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш, харажатлар ҳисоби ва таннарх калькуляцияси, жавобгарлик марказлари бўйича сегментар ҳисобот тузиш, трансферт баҳоларни шакллантириш каби масалаларни камраб олган комплекс фан тури”, - деб таъриф берган²⁰.

Б.Ю.Мақсудов “Бошқарув ҳисоби – бу корхонанинг белгиланган мақсадларига эришишига йўналтирилган бошқарув қарорлари қабул қилиши учун мўлжалланган ахборот алмашинуви тизимидир”²¹ – деб таърифлаган.

Профессор Каримов А.А.нинг таъкидлашича, бошқарув ҳисоби тизимида уни ўрганиш объектларининг ўзига хос хусусиятли томонлари мавжуддир. Айниқса, хўжалик маблағларининг ҳолати, ҳаракати, бутлиги ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва бошқалар.

Бошқарув ҳисоби объектларини эса қуйидаги: ҳужжатлаштириш ва инвентаризация, баҳолаш, меъёрлаш, режалаштириш, калькуляция, назорат ва таҳлил усуллари орқали ўрганиш мақсадга мувофиқдир²².

Биз юқоридаги келтирилган иқтисодчи олимларнинг бошқарув ҳисоби бўйича берган фикрларини таҳлил қилиб, уларнинг кўпчилик қисмида бошқарув ҳисобининг асосий вазифаси корхонанинг бошқарув аппаратини ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг маҳсулот бирлиги сарфланиши

¹⁹ Шеремет А.Д. Управленческий учет. – М.: ФБК-ПРЕСС, 1999. – С.

²⁰ Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: Yangi nashr, 2011. – Б. 262.

²¹ Мақсудов Б.Ю. Замонавий бошқарув ҳисобининг хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантиришдаги роли / Иқтисодиёт ва таълим, 2012. №3. – Б. 1-8.

²² Каримов А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш услублари // Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счётлар режасини амалиётга жорий этиш муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТМИ, 2002. – Б. 128-129

устидан назорат ўрнатиш, корхонанинг ривожланиши учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлаш лозимлигини таъкидлаб ўтамыз.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган таърифларни умумлаштирилган ҳолда шундай хулоса чиқариш мумкинки, бошқарув ҳисоби - бу ички хўжалик ҳисобининг ўтган, ҳозирги ва келгуси давр нуқтаи-назаридан корхона ва унинг тузилмавий бўлинмалари харажатлари ва молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотни яхлит ҳолга келтирилган тақдимиدير.

Тўқимачилик саноати корхоналари енгил саноатнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланди ва уларда маҳсулот турларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини 1. 2-жадвалда келтириб ўтамыз.

1.2-жадвал

Енгил саноат тармоғи бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткичлар²³

Кўрсаткичлар	2008й	2009й	2010й	2011й.	2012 й.	2012 йил 2008йилга нисбатан ўзгариши
Пахта толаси, минг тн	1009,5	1054,5	576,5	1099,5	98,6	-910,9
Чигит, минг тн	1414,4	1514,6	807,5	1614,7	100,4	-1314
Ипак тола, тн	122,4	144,4	154,9	166,4	143,4	21
Кимёвий тола таркибли газлама	1005	1015	558,7	1025	102,5	-902,5
Трикотаж маҳсулотлари, млн. дона	54,0	61,0	82,9	68,0	104,9	50,9
Тикув маҳсулотлари	42,6	47,4	49,8	52,2	170,6	128

1.2-жадвал натижаларидан кўриниб турибдики, енгил саноати тармоғи бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш асосан, 2012йилда 2008йилга нисбатан ипак толаси, трикотаж маҳсулотлари ва тикув маҳсулотлари ошганлигини, қолганлари яъни, пахта толаси, чигит ва кимёвий тола таркибли газламалар эса камайганлигини кўришимиз мумкин. Бундан шундай хулоса қилиш лозимки, енгил саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш учун

²³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

бошқарув қарорлари ва бошқарув тизимини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати ва унга тўқимачилик корхоналари технологик хусусиятларининг таъсири

Тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув ҳисоби тизимида бюджетлаштириш режалаштирилган ҳисобот даврида корхона раҳбари ва ходимлари олдида турган мақсад ва вазифаларни шакллантириш, ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, даромад ва харажатларни аниқлаш, амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар тўғрилигини амалга ошириш билан белгиланади.

Тўқимачилик саноати корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини тартибга солиш тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган бозор ислохотларининг босқичма-босқич амалга оширилиши саноат ривожланишидаги ижобий ҳолатни сақлаб қолиш имконини бермоқда.

Тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув ҳисобининг тузилиши 1.2-расмда келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида 2011 йил якунида жами 1015 та саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, шундан, 25 та йирик, 990 та кичик корхоналарни ташкил қилади.

2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 9,8 фоиз даражага ошиб, 24 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотида бу кўрсаткичнинг улуши 2011 йилда 8,0 % ни ташкил этди, 2000 йилга нисбатан 3,7 фоиз даражада ўсишга эришилган.²⁴

²⁴ Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б.18.



1.2-расм -Тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув ҳисобининг тузилмалари

Келгусида ушбу тармоқнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини янада ошириш учун саноатнинг электр энергетика, нефть-газ, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, енгил саноат сингари тармоқларида Модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга оширишни изчил давом эттириш, бунда бўш турган объектларда кичик бизнеснинг истиқболли лойиҳаларини самарали жойлаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Саноат тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар таркибида маълум ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. 2011 йилда иқтисодиётга жалб этиладиган барча инвестицияларнинг 36,4 фоиздан ортиғини саноатни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини амалга оширишга йўналтириш кўзда тутилаётгани, замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш харажатлари умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг камида 46 фоизини ташкил этаётгани юртимизда саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганидан далолат беради.

Амалиётда саноатни ривожлантириш кўп жиҳатдан хўжалик юритишнинг инновация шакллари изчил жорий этишга, янги

технологияларни жадал ўзлаштиришга ва юқори даражада ишлов берилган рақоботбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга боғлиқ. Жумладан, енгил саноатда ипак ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва кенгайтириш, шунингдек тўқимачилик саноати учун ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, тикув тармоғини ривожлантириш ҳисобига қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишига кўмаклашадиган илғор технологияларни жорий этиш эвазига аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, аҳолининг бандлик даражасининг ошиши, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмасини янада такомиллаштириш, мавжуд табиий ресурслардан ва иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш, замонавий бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, аҳолининг бандлигини, турмуш даражасини барқарор ва изчил оширишни таъминлаш мақсадида:

- минтақавий иқтисодиётни барқарор юқори суръатларда ўстириш - мавжуд табиий ресурсларни комплекс ва самарали ўзлаштириш, ҳар бир туманнинг иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, шунингдек хорижий инвестициялар ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсишини таъминлаш;

- замонавий қайта ишловчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни давом эттириш, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда, ишчи кучи кўп бўлган ва дотацияда турган туманларда ўзлаштириш ҳисобига саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулот улушини ошириш.

2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 101,7 миллион АҚШ долларига етди, бунда экспорт ҳажми 69,9 миллион, импорт эса 31,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 22 та Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси бор. Улар иқтисодиётнинг енгил саноат, энергетика, электроника, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш сингари соҳаларида фаолият юритмоқда. Умуман олганда, сингапурлик сармоядорлар иштирокида рўёбга чиқарилиш босқичида бўлган лойиҳалар қиймати 2,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. 2012йили 3 та қўшма корхона, шу жумладан, пахта толасини қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Indorama Kokand Textile” корхонаси ишга туширилди. Мазкур лойиҳаларда Сингапур сармояларининг умумий ҳажми қарийб 55 миллион АҚШ долларига тенг²⁵.

Бошқарув ҳисобининг самарали тизимини жорий қилиш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни талаб қилади:

- бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бошқарув ҳисобини ташкил этиш тажрибасини умумлаштириб, Ўзбекистонда бошқарув ҳисоби концепциясини илмий асослаш;

- бошқарув ҳисобини илмий фан сифатида тушуниш ва бошқарув фаолиятини назарий асосланиши, бошқарув ҳисоби тизими услубиётини айрим жиҳатларини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистонда бозор муносабатлари ривожланишининг замонавий босқичига мос равишда бошқарув ҳисобининг энг илғор, замонавий ва кенг тарқалган усул ва тизимларини амалда қўллашни асослаш ва имкониятларини аниқлаш;

- бошқарув ҳисоби тизимида бюджетлаштириш, унинг корхона ишлаб чиқариш дастурини, харажатлар сметасини ишлаб чиқиш ва маҳсулот таннархини режалаштиришдаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш;

- харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашнинг илғор усулларини таҳлил этиб, тармоқ корхоналари учун хулоса ва амалий таклифлар бериш;

²⁵ Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. // Халқ сўзи газетаси. 2011 йил 22 январ.

– бошқарув ҳисоби тизимида баҳони шакллантириш, инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар қабул қилиш мақсадида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Амалиётда кўпгина бош бухгалтерлар анъанавий ягона бухгалтерия ҳисоби билан шуғулланадилар. Аксарият корхоналарда бошқарув ҳисоби олиб борилмайди ёки жуда ҳам заиф ривожланган. Ваҳоланки, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлардаги мутахассисларнинг баҳолашларига кўра фирма ва компаниялар бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги иш вақтларининг 90%ини бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритишга сарфлайдилар. Бизнинг корхоналаримизда эса бу нисбатнинг, афсуски, мутлақо аксини кўрамиз. Бунинг сабабини, асосан, иқтисодиётнинг айрим соҳаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш бўйича ягона услубий асоснинг ва услубиётга оид тавсияларнинг йўқлиги, шунингдек, амалиётда унинг эндигина тикланиш ва ривожланаётган даврида эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Бундай ҳол Ўзбекистон корхоналарида бошқарув ҳисобининг таъсирчан тизимини ташкил этиш бўйича чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади²⁶.

²⁶ Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубият. – Т.: Молия, 2013. – Б. 12-13.

II-БОБ. “SOTEX TEXTILE” МЧЖ ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2.1.Тўқимачилик корхонасида ишлаб чиқариш харажатларининг ички назорати

Корхоналарда ички аудитни ташкил этиш – бу ички назорат асосида мустақил экспертиза ўтказишдир. Бунда, операцияларни назорат этувчи тизимлар кузатилади. Ички назорат тизими самарали ишласа, синчиклаб текширишлар керак бўлмайди, чунки хато ва тартиб бузилишлар бундай назорат тизими орқали аниқланганлигига ишонч ҳосил бўлади.

Ҳисоб юритиш ва ички назорат тизимларини ўрганиб чиқишнинг ҳажми кўйилган талабаларга жавоб бера олишликларни аниқлаш тадбирлари – тизимларнинг мураккаблиги ва ташқи аудиторнинг ички назорат натижаларига қониқиши бўўлса, мустақил ва ҳолисона текширувлар сони қисқартирилиши мумкин. Ички назорат маълумотлари асосида хулоса чиқариш ёки зарур бўлган қўшимча тадбирлар ўтказиш учун бу маълумотларнинг етарли эканлигини ташқи аудитор аниқлаб олади.

Ички назорат воситалари – амалга оширилаётган назорат тури ва мақсадларига мувофиқ ўрганилади ва баҳоланади. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархи текширилганда, асосан, харажатларни таркиби, таннархга тўғри олиб борилганлиги, таксимланадиган харажатларни харажат объектлари ўртасида иқтисодий асосланган ҳолда таксимланиши ва ресурслардан самарали фойдаланиш учун амалга оширилаётган назорат чоралари ҳамда ҳисоб ҳужжатларининг аниқлиги ва тўлаллигини таъминловчи чоралар текшириб чиқилади. Фаолиятнинг қонунийлигини таъминловчи назорат чоралари ўрганилади ва баҳоланади.

Ноқонуний фаолият аломатлари мавжудилигидан қуйидагилар далолат беради: баъзи ҳисоб регистрларининг бўлмаганлиги, ҳужжатларнинг

қалбакилаштирилиши, рухсатсиз операциялар ёки нотўғри ёзувлар, ички назоратнинг ҳаракатсизлиги, режадаги рақамлар билан натижаларнинг бири-бирига тўғри келмаслигида ифодаланган қониқарсиз тушунтиришномалар, харажатларни нотўғри сарфланиши ва маълумотни қиёслашдаги тафовутлар, жарима ва пеня сифатида намоён бўлган тўлов ҳисоб-китобларнинг бажарилиши, банк интизомининг бузилиши, номаълум хизматлар учун маслаҳатчиларга тўланган тақдирлаш пуллари, хизмат учун олинган ортиқча пуллар, нақд пул билан йирик тўловлар ўтказмалари ва бошқалар. Бузиб кўрсатиш ҳоллари мавжудилигига гумон туғилган бўлса, аудитор қўшимча текширув ва тестлар ўтказди, молиявий ҳисоботга тартиббузарликларнинг таъсир кўрсатишини аниқлайди, бузиб кўрсатишларга йўл қўймаслик хусусида маъмуриятга тавсия беради.

Аудитор ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби бўйича харажатлар тизимини ёппасига ўрганиб чиқади. Лекин, аудитнинг юқорида қайд этилган мақсади - ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби аудитини бажаришга киришишдан аввал, ишлаб чиқариш ва харажатлар жараёни бўйича ички назорат тизимининг кучли ва заиф томонларини баҳолаш мақсадида дастлабки шарҳни тайёрлаш лозим. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар билан боғлиқ бўлган операциялар юзасидан ички назорат тизими ҳолати тўғрисида дастлабки маълумотларни олиш учун аудитор тестлашни амалга оширади. “Янгиқўрғон - пахта” ОАЖда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш бўйича ички назоратнинг кучли ва кучсиз томонларини ўрганиш учун амалда бўлган тест саволларини такомиллаштириш мақсадида, пахта тозалаш корхоналарини технологик ва ишлаб чиқариш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда тест саволлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган тест саволлари асосида “Янгиқўрғон - пахта” ОАЖда ишлаб чиқариш харажатларининг ички назоратига баҳо бериш учун

фойдаланилди, ишлаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия ҳисоби бўйича ички назорат тизими ҳолатини текшириш юзасидан тестлаш ўтказилди (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

**“SOTEX TEXTILE” МЧЖ ДА ишлаб чиқариш харажатларининг
бухгалтерия ҳисоби бўйича ички назорат тизими ҳолатини текшириш
юзасидан тестлар**

Т. р.	Тест синовлари бўйича йўналишлар ва саволлар	Жавоблар			
		Жавоб йўқ	Ҳа	Йўқ	Илова
1	2	3	4	5	6
1	Шартлар Юк хатлари, талабномалар, нарядлар, табеллар, ҳисоб варақалари бланкаларидан моддий жавобгар шахслардан ташқари бошқалар фойдалана оладими?			Йўқ	
2	Ҳаққонийлик Ишлаб чиқариш бўлинмаси раҳбари томонидан меҳнат ҳақини ҳисоблаш бўйича дастлабки ҳужжатларни тўлғазилиши текшириладими?		Ҳа		
3	Ҳар ҳафта якуни бўйича ишлаб чиқариш бўлинмаси раҳбари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот ва ишлатилган материаллар тўғрисидаги ҳисобот текшириладими?		Ҳа		
4	Тўлиқлик Юк хатлари, талабномалар, нарядлар, табеллар, ҳисоб варақалари олдиндан рақамланадими ва ундан мавжуд бўлмаган ва сохта ҳужжатларни аниқлаш учун фойда-ланиладими?		Ҳа		
5	Жавобгарлик Наряд-топширикномалар, материаллар бўйича юк хатлар ва ишчи кучига бўлган эҳтиёжлар махсус масъул шахслар томонидан тайёрланадими?		Ҳа		
6	Аниқлик Материалларни сарфлаш, меҳнат ҳисоби ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари бўйича дастлабки ҳужжатлар маълумотлари бўйича		Ҳа		

	аниқланган фарқлар текшириладими?				
7	Харажатлар бўйича меъёрлар мунтазам равишда қайтадан кўриб чиқиладими?			Йўқ	
8	Тайёр маҳсулот тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари билан омборга кирим қилинган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар орасидаги фарқлар ҳисобга олинадими?		Ҳа		
9	Табақалаштириш Харажатлар калькуляция элементлари ва моддалари бўйича тўғри табақалаштириладими?		Ҳа		
10	Ҳисоб Маҳсулот таннархи бўйича харажатлар ҳисоби ва калькуляция усули танлаб олинганми?		Ҳа		
11	Харажатлар ҳисоби учун масъул шахслар томонидан сегментлар бўйича ва умумлаштирилган ҳисоб маълумотлари текшириладими?		Ҳа		
12	Даврлаштириш Харажатлар ҳисоби "Харажатларни давр бўйича аниқлиги" тамойилига жавоб берадими?		Ҳа		

2.1-жадвалдаги тестлаштириш натижаларига кўра корхонада ишлаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия ҳисоби бўйича ички назорат тизими ҳолатини кучли ташкил этилган деган хулосага келишимиз мумкин. Чунки тестлаштириш бўйича қўйилган 11 саволнинг 11 таси бўйича ижабий жавоблар олинган. Фақатгина тестнинг 7 - “Харажатлар бўйича меъёрлар мунтазам равишда қайтадан кўриб чиқиладими?” саволига қониқарсиз “Йўқ” жавоби берилган. Ҳақиқатдан ҳам корхонада харажатлар бўйича меъёрлар қайтадан кўриб чиқиляйди, харажатлар меъёри пахта тозалаш корхонасининг юқори ташкилоти томонидан кўриб яқиқилиб, тасдиқланган ҳолда корхонага етказилади. Харажатлар меъёри юқори ташкилот томонидан ҳар уч йилда бир марта кўриб чиқилиб зарур ҳолларда тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Ривожланган давлатлар ҳисобга олиш ва ҳисобот тизимини баҳолашда қуйидаги мезонларга амал қилишади:

- ҳисобнинг тўлиқлиги, яъни акс эттирилиши керак бўлган назоратли кўрсаткичларни ҳисоблашда барча хўжалик операцияларини эътиборга олиниши;
- маълумотлар етарли даражада аниқ-равшан эканлиги, масалан, сарф-харажатлар; актив ва пассивларни қийматли баҳоланишининг ишончли эканлиги, рақамларда воқеа-ходиса ва муомалаларнинг ҳақиқий ҳолати акс эттирилиши – объективлик, масалан, ишлаб чиқариш захиралари; ҳисобга олиш даври чегараларига риоя қилишлик, шартнома суммалари ва вақтнинг мазкур даврига тегишли харажатлари;
- барча юридик (ҳуқуқий) расмийлаштирилган молиявий муносабатларнинг ҳисоботларида акс эттирилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга риоя этиш;
- маълумотларнинг очиқлиги – барча ахборот ва тегишли ёзувларни акс эттириш.

Ички назорат тизимини йўлга қўйилишини текширишда аудитор ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоб регистрларида акс эттирилиши керак бўлган барча операциялар ҳақиқатдан ҳам у ерда акс эттирилгани, ёзувлардаги хато ва камчиликлар аниқлангани, ҳужжатларда қайд этилган харажатлар ва ишлаб чиқаришдан олинган маҳсулотларикдори ҳақиқатга мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилиниши керак.

Ҳисобга олиш тизимини текширишда муайян аудиторлик тадбирлар бажарилади. Улар қуйидагилардан иборат:

- корхона тўғрисидаги ахборотларни олиш ва таҳлил қилиш;
- ҳисобга олиш тизимини қўйилган талабларга мувофиқлигини текшириш;

- ҳисобга олиш тизими фактларини ёзма баён этиш, ҳужжатлар айланиш тасвири ёки анкета тузиш асосида таҳлил қилиш;
- миждоз (буюртмачи) ўтказган таҳлил натижаларининг унинг рухсати билан текшириш ишларига жалб этиш;
- операцияларни ҳисоб тизимида қайдлашнинг шубҳали жараёнларини кузатиш;
- ички назорат томонидан мустақил текшириш натижасини ҳисоб маълумотларига мувофиқ келишлигини текшириш.

Ҳисоб тизимларини ўрганишда аудиторлар текширишларнинг турли методларидан фойдаланишади. Корхоналарни текширишда энг қулай услуб – фактларни ёзма баёнлаш ҳисобланади. Мазкур услуб ҳар бир камчиликлар бўйича унинг сабабларини очиқ ташлаш ва бартараф қилиш бўйича тадбирларни белгилаш имконини беради.

Ишлаб чиқариш харажатлари ички назоратининг аҳолини ўрганиш учун аудитор аудит бошлашдан олдин назорат варақаларидан фойдаланиш мумкин. Назорат варақалари – олдиндан тайёрланган ўзига хос саволлардан иборат стандарт ҳужжатлар бўлиб, ушбу саволга олинган ҳар бир салбий жавоб – ҳисоб соҳасида назоратнинг яхши йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради. Бундай анкеталар корхона фаолиятининг алоҳида йўналиши (объектлари) бўйича қўшимча саволлардан тузилган бўлиши керак.

Ҳисобга олиш тизими билан бир қаторда ички назорат ҳам текширишдан ўтказилиб, у кадрлар назорати, бошқарув назорати, ички аудит ва назоратнинг бошқа турларини ўз ичига олади.

Аудитор ички назоратнинг обективлиги ва маълумотларининг ҳақиқий аҳолига мувофиқ келишига ишонч ҳосил қилади. Ички назорат тизими харажатлар ва олинган маҳсулотларнинг тўлиқ даромадга олинishi, корхона фаолиятини самарали ва изчил юритилишини таъминлаш операцияларини ўз вақтида ва тўлиқ акс эттирилишига ёрдам бериши керак. Корхонани

текширишда иш режасининг тузилганлиги, ходимларнинг вазифалари ва ҳуқуқларини тақсимланиши ҳамда уларнинг бажарилиши, моддий қийматликларни олиш учун маъсул ходимларнинг тайинланиши таҳлил қилинади.

Ички назорат ахборотларини тўлиқ, мунтазам ва асосли акс эттирган тарзда аудитор ундан фойдаланиши мумкин.

Ички назорат маълумотларига таяниб қолмасдан, аралаш ва мустақил текширишлар, анкетали сўроқ ўтказиш ва баҳоловчи варақалар тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Маълумотларнинг бир-бирига мос келмаслиги ва ички назоратининг сифатига шубҳа туғдирган барча вазиятлар аудитор томонидан текширилиши керак.

Корхоналарда ички аудит ички назоратнинг таркибий қисми ҳисобланади. Унинг вазифасига ҳисоб тизими ва ички назоратнинг бошқа бўлинмалари устидан кузатиш, молиявий ахборотларни бошқарув мақсадларида ўрганиш, олди-сотди ишларини натижавийлиги ва самарадорлигини текшириш, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш методлари билан танишиш ишлари киради. Ташқи аудитор ички назоратнинг натижалари ва хулосаларидан фойдаланиши мумкин. Бунинг учун ички назоратнинг самарадорлиги қуйидаги йўналишлар бўйича баҳоланади: ички аудитнинг мақсадлари ва кўлами, аудиторнинг фирма бошқаруви таъсирида мустақиллик даражаси, ишни ташкил этилиши, ички аудиторларнинг билимдонлиги (касбий тайёрганлиги, тажрибаси), ички аудитор ҳисоботларининг сифати, текширув дастурларининг белгиланган муддатларда бажарилиши, аудит жараёнида очиб ташланган камчиликлар, ички назорат натижалари ва ташқи аудиторлик текширишларнинг мувофиқ келишлиги.

Ички назоратнинг самарадорлиги ёзма хулосада баҳоланади ва бошқарувнинг назорат ишлар паст савияда ўтказилаётган бўлинмалари ҳамда

аудиторлик текширишларга қай даражада ишонч ҳосил қилиш мумкинлиги кўрсатилади.

2.2. Тўқимачилик корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархининг аудити.

Бугунги кунда иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устивор лойиҳалар амалга оширилаётган шароитда маҳсулот таннархи ўз аҳамиятини йўқотмайди. Чунки, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва мулкчиликнинг барча шаклларида корхоналарнинг фаолиятини баҳолаш чоғида маҳсулотнинг таннархи, унинг таркиби ўзгариши қандай талқин қилинишидан қатъий назар, муҳим аҳамиятга эга. Маҳсулот таннархи пасайиши фойда ўсишининг асосий манбаси ҳисобланади. Шу билан бирга «маҳсулот таннархи қуйидагилар бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлади:

- қандай турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қайсиларини эса тўхтатиш бўйича;

- зарур ёрдамчи маҳсулотларни сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида;

- ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотга баҳо белгилаш борасида;

- ишлаб чиқаришни янги техника билан жиҳозлаш бўйича;

- ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни ривожлантириш бўйича берилган тавсияларни асослашда»²⁷.

²⁷ Ҳасанов Б.А., Ҳашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. – Т.: «ИQTISOD-MOLIYA», 2005. –Б. 59.

Таннарх - корхона ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятининг барча томонлари самарадорлигини характерловчи синтетик, умумлаштирувчи кўрсаткичдир. Иқтисодиётда бозор муносабатларининг жорий этилиши, ресурсларнинг чекланганлигини ва рақобат муҳитининг янада кучайганлиги шароитида таннарх категориясини аҳамияти ошиши билан бирга, унинг моҳиятини янада кенгроқ очиб бериш заруриятини қўймоқда. Ҳозирги кунда маҳсулот таннархини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54- сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот(ишлар,хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом»²⁸га асосан амалга оширилади. Мазкур Низом хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулот(ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилаб берди. Натижада, бухгалтерия ҳисобида маҳсулот таннархининг иккига бўлиниб келинаётган, ишлаб чиқариш таннархи ва тўла таннархи категорияларидан фақат ишлаб чиқариш таннархи категорияси қолди. Яъни эндиликда маҳсулот(ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш таннархи аниқланади ва ҳисобга олинади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг «маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлари:

а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган устама харажатлар»²⁹ га бўлинади. Бундан кўриниб турибдики, маҳсулот таннархи ишлаб чиқариш харажатлари билан бирга шу маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган умумишлаб чиқариш харажатлардан иборат.

²⁸ Бухгалтерия ҳисобига доир низомлар. –Т.: «NORMA», 2007. –Б.13-47.

²⁹ Бухгалтерия ҳисобига доир низомлар. –Т.: NORMA», 2007. – Б. 16.

Таннархи категориясининг таърифи меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодий адабиётларда турлича талқин қилиниб келинмоқда. 2008 йил биринчи январдан бошлаб кучга киритилган «Солиқ кодекси»нинг 22-моддасида қуйидагича таъриф берилган: «таннарх - маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг, асосий фондларнинг, меҳнат ресурсларининг, шунингдек товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа турдаги харажатларнинг қиймат баҳоси»³⁰.

Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини текширишнинг асосий мақсади, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини маҳсулотлар таннархига тўғри ўтказилганлигини аниқлашдан иборат. Маҳсулот таннархи ташкилотлар фаолиятига баҳо берувчи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Таннархни ўсиши ва пасайиши фойда ва фойдалилик даражасига, бюджетга тўловларга ҳамда мулкдорларга дивидент тўлашга таъсир қилади.

Маҳсулотлар таннархини тўғри ҳисоблаш солиқ хизмати идоралари билан келиб чиқадиган низо ва тушунмовчиликларнинг олдини олади.

Пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини аудиторлик текширувида асосий маълумот манбалари бўлиб дастлабки ҳужжатлар ва қуйидаги бухгалтерия счётлари хизмат қилади:

- 2010 - «Асосий ишлаб чиқариш»;
- 2310 - «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»;
- 2510 - «Умумишлаб чиқариш харажатлари»;
- 9410 - «Давр харажатлари»;

Маҳсулот таннархи текширишда, аудитор тўлов вақтидан қатъий назар, харажатларни фақат тааллуқли давр таннархига киритишдек муҳим

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: «Адолат», 2008. –Б. 12.

хусусиятни эътиборга олиши керак. Агар харажатларни қайси калкуляция даврига тааллуқлигини аниқлаш мумкин бўлмаса, унда бундай харажатлар маҳсулотлар таннархига смета меъёрларида киритилади.

Таннархга қўшилувчи харажатлар, маҳсулот ишлаб чиқариш (иш, хизматлар бажариш) учун уларни омборлардан цехларга беришда расмийлаштириладиган дастлабки ҳужжатларда кўрсатилади. Дастлабки ҳужжатларда қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт: ҳужжатнинг номи, рақами, тузилган сана, хўжалик операцияларининг мазмуни ва ўлчов бирликлари (қиймат ва миқдор кўринишида), хўжалик операцияси содир бўлишига ва уни тўғри расмийлаштирилишига жавобгар бўлган шахсларни имзолари.

Текширишда, аудитор Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал №54 - сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар,хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом»³¹га амал қилиши керак.

Ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот таннархига тўғри киритилганлигини текшириш учун, аудитор харажатларни алоҳида белгилари бўйича гуруҳларга бўлинишини билиши зарур. Ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги белгилари бўйича гуруҳларга бўлинади:

Харажатлар харажат элементлари бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари (яроқли чиқиндилар чегирилган ҳолда);
2. Ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш

31 Бухгалтерия ҳисобига доир низомлар. –Т.: «NORMA», 2007. –Б.13-47.

харажатлари;

3. Ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган ижтимоий суғўрта ажратмалари;

4. Ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси;

5. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари.

Харажатларни таннархга киритиш услубига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Бевосита харажатларга;

- материаллар;

- ёқилғи;

- маҳсулот тайёрлагани учун меҳнатга ҳақ тўлаш;

- ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни билан боғлиқ бошқа харажатлар.

2. Билвосита харажатларга;

- умум ишлаб чиқариш харажатлари;

- давр харажатлари, яъни ишлаб чиқаришни бошқариш харажатлари.

3. Ишлаб чиқариш ҳажмига кўра:

- ўзгарувчан харажатлар – материаллар, иш ҳақи ва бошқалар. Бу харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлиб ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан уларнинг миқдори ўзгаради (кўпаяди ёки камаяди);

- шартли доимий харажатлар – ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган харажатлар. Бу харажатлар, одатда, ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгариши билан ўзгармайди.

Харажатларни таннархга тўғри қўшилганлигини текшириш услуги ишлаб чиқариш ҳисобини юритиш вариантыга боғлиқдир.

Амалиётда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобини юритишнинг 2 варианты мавжуд:

- қисқартирилган (бўлак) таннархни ҳисоблаш варианты;
- тўла ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблаш варианты.

Биринчи услуб қўлланилганда, шартли-доимий яъни умумхўжалик ва сотиш харажатлари маҳсулотни сотишдан олинган молиявий натижалар ҳисобидан қопланади. Шунинг учун, таннархни тўғри шаклланганлиги «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», «Бош китоб» ва дастлабки ҳужжатлар маълумотлари асосида текширилади.

Сотилган маҳсулотлар таннархи «Ишлаб чиқариш харажатлари» ва бошқа синтетик счётларда ҳисобга олинади. Шунинг учун аудит текширишда «Ишлаб чиқариш харажатлари» счётлари билан корреспонденцияланувчи счётлардаги ёзувларни тўғрилигига эътибор бериш зарур. Бунда, материалларнинг ҳақиқий таннархига (уларнинг сотиб олиш баҳосига транспорт-тайёрлов харажатлари кирганлиги сабабли) қўшиладиган комисион тўловлар, товар биржалари хизматлари, материал қийматликларни ташиб келтириш ва сақлаш учун тўловлар, табиий камайиш меъёрлари микдоридаги материаллар камомади ва бошқалар атрофлича текширилади.

Амалиётда, ишлаб чиқариш бўлинмаларига (цех, бригада) берилган, лекин ҳақиқатда ишлаб чиқаришга сарфланмаган материалларни маҳсулотлар таннархига қўшиш ҳолатлари учраб туради. Шунингдек, ижтимоий-маданий объектларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун ишлатилган материаллар сарфи, корхона фойдаси ёки бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш ўрнига асосий фаолият харажатлари таркибига

асоссиз қўшилишига йўл қўйилади. Айтиб ўтилган камчиликлар, бирламчи ҳужжатлардаги, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботларидаги ва бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги тегишли маълумотларни таққослаш ёки муқобил текшириш услубларини қўллаш асосида топилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига рағбатлантирувчи тўловлардан иборат.

Таннархга киритилувчи меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари рўйхати «Маҳсулот (иш ва хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да батафсил келтирилган. Низомда маҳсулот таннархига қўшилмайдиган, мукофотлар, даволаниш ва дам олиш уйлари учун берилган йўлланмалар қиймати, экскурсия ва саёҳатлар учун бериладиган тўловлар рўйхати ҳам келтирилган.

Амалиётда асосий ишлаб чиқариш харажатларига бошқа фаолият билан шуғулланувчи ишчиларга ҳақ тўлаш харажатлари нотўғри ўтказилиш ҳоллари учраб туради. Ушбунга текшириш «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашувлар» счётининг ишлаб чиқаришга тааллуқли ёзувлари, иш ҳақи тўлаш бўйича йиғма қайдноманинг якуний жами билан солиштириб аниқланади. Йиғма қайдномани жами, барча ҳолатларда, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинadиган счётларнинг дебитидаги ёзувлардан кўпроқ чиқиши керак.

Бундан ташқари, баъзи ишчиларга меҳнат шароитлари ҳамда уларни сафарларда қўшимча ишлар бажарганликлари учун турли тўловлар тўланади. Бу тўловларнинг иш ҳақи харажатларини меъёрлаштирилган миқдоридан ошиб кетган қисми асосий фаолиятдаги ишчиларнинг маҳсулот таннархига киритиладиган иш ҳақи суммасига қўшилмайди. Бунга аниқлаш учун касса счётини кредит ёзувлари, «Асосий ишлаб чиқариш», «Умумишлаб чиқариш

харажатлари», «Давр харажатлари» счётларининг дебет томонидаги ёзув маълумотлар билан солиштирилади.

Агар ушбу тўловлар маҳсулот таннархига киритилган бўлса, аудитор маҳсулот таннархини ошиб кетган суммасини ва солиқ олинадиган фойданинг камайиш миқдорини аниқлайди.

Пахта тозалаш саноати корхоналарида харажатлар ҳисобида пахта хом ашёси сақланганда, ташилганда табиий камайиш меъёрлари, пахта хом ашёсини қайта ишлаш чоғида харажатлар меъёри бўйича тавсия ҳамда пахта хом ашёсини транспорт воситасида ташиганда чекланган таърифлар меъёрлари тавсияси юқори ташкилоти томонидан белгилаб берилади. Бу уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб аудиторнинг маҳсулот таннархини аудитида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозимлигини белгилайди:

- Тайёрлов фаолиятида — пахта хом ашёсини сотиб олиш нархи ва тайёрлаш - транспорт харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш, чунки улар биргаликда пахта хом ашёсини таннархини ташкил этади, яъни франко - тайёрлаш пункти ва франко-қайта ишлаш корхонаси;

- Ишлаб чиқариш фаолиятида — ишлаб чиқаришда истеъмол қилинаётган хом ашёнинг қиймати ва қайта ишлаш харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш, чунки ушбу харажатлар қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархини ташкил этади;

- Реализация фаолиятида — маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этиш, чунки улар корхонада давр харажатлари таркибига кириб, асосий фаолият даромадлари ҳисобидан қопланади;

- Бошқарув фаолиятида — корхонани бошқариш ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш, чунки ушбу фаолият харажатлари

давр харажатлари таркибида бўлиб, асосий фаолият даромадлари ҳисобидан қопланади;

- Молиявий фаолиятда-молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этиш, чунки ушбу харажатлар корхонанинг умум хўжалик фаолияти даромадлари ҳисобидан қопланади.

Асосий ишлаб чиқариш цехларига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш бўлинмалари харажатлари (асбоб-ускуналар цехи, транспорт бўлими, таъмирлаш ва бошқа бўлимлар) балансга нисбатан актив, моҳияти жиҳатидан эса калькуляцион бўлган «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётида ҳисобга олинади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатлаштириш тартиби асосий ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатлаштириш тартибига ўхшаш бўлади. Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисоби ҳар бир ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича алоҳида-алоҳида юргизиладиган қайдномада олиб борилади. Аудитор ҳар бир ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари харажатларини қайдномадан журнал-ордерларга ўтказилишини текширади.

Маълумки ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари асосий фаолиятда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотларга тегишли бўлади. Бу харажатларни алоҳида маҳсулотлар таннархига киритиш учун улар маҳсулотлар орасида иқтисодий жиҳатдан асосланган тақсимлаш базаси асосида тақсимланади. Бунинг учун ҳар ойнинг охирида ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш қайдномаси тузилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмаларининг асосий хусусиятларидан бири улар орасида икки томонлама хизматларнинг мавжудлигидир. Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларини ёки бўлинмаларини бир-бирига ўзаро хизматлари, уларнинг маҳсулотларини таннархига режали таннарх усулида тақсимланиб кўшилади. «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётининг ой охирига қолдиғи шу

ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларига ёки бўлинмаларига тегишли бўлган тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини кўрсатади.

«Асосий ишлаб чиқариш» счётини дебитида кўрсатилган барча харажатлар тайёр маҳсулотлар таннархига киритилади. Тайёр маҳсулотларнинг таннархини тўғри аниқлаш учун тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларини билиш зарур.

Аудиторлар тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини текширишда инвентаризация натижасида аниқланган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини қолдиқларини таҳлил қилишдан бошлашини тавсия қиламиз. Агар керакли материаллар етарли бўлмаса, текшириш ўтказаетган корхона ходимлари кучи билан қўшимча инвентаризацияни ташкил қилиши керак. Инвентаризация тугалланмаган тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳақиқий қолдиқларини аниқлаш билан бир қаторда, харажат объектлари бўйича харажатларнинг тўғри тақсимланишини акс эттирувчи ҳисоб маълумотларини текширишга имконият беради.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришлар қуйидагича баҳоланиши мумкин:

- ҳақиқий таннархи бўйича;
- меъёрий-режали таннархи бўйича;
- соддалаштирилган таннархи бўйича (давр харажатларисиз).

Пахта тозалаш корхоналарида тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг қолдиғи меъёрий (амалдаги сарф харажатлар меъёри) ишлаб чиқариш харажатлари сарфи бўйича баҳоланади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғини баҳолаш услубларини корхонанинг ўзи танлайди. Аудитор ҳисобот даврлари бўйича қолдиқларнинг бир маромда бўлишлигини, тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларини тўғри аниқлаш имкониятларини ва қолдиқлар миқдорини ишлаб чиқариш харажатларидаги салмоғини ҳисобга олинганлигини текширади.

«Умумишлаб чиқариш» харажатлари аудитининг мақсади, уларни, маҳсулот(иш, хизматлар)лар таннархига тўғри тақсимланишини ва қўшилишини текширишдир. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашда турли усуллар қўлланилади, жумладан; ишлаб чиқаришда қатнашган ходимларнинг асосий иш ҳақиға ёки бўлим бўйича чиқарилган маҳсулот ҳажмига пропорционал ҳолда.

Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш услуби (у ёки бу усулидан фойдаланиш) саноат тармоғини ва маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, корхонани ишлаб чиқариш шароитига қараб корхонани ўзи танлайди. Аудитор корхонада қўлланилаётган тақсимлаш услубини корхона иш шароитига тўғри келишини, умумишлаб чиқариш харажатлари устидан доимий назорат ўрнатишга ёрдам беришини аниқлаши керак. Шу билан биргаликда, аудитор таннархга ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича харажатларни тўғри киритилишини текширишга алоҳида аҳамият бериши керак.

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар рўйхати «Маҳсулот (иш ва хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да батафсил келтирилган. Жумладан, ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат кўрсатиш харажатлари; ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар, ёнилғи, энергия, дастгоҳлар, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ҳамда буюмлари билан таъминлаш харажатлари; асосий ишлаб чиқариш воситаларини ишчи ҳолатида сақлаш харажатлари; асосий ишлаб чиқариш воситаларини хўжалик усули билан барча турдаги (жорий, ўрта, капитал) таъмирлашлар ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли моддалари бўйича маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритилади.

Умуман олганда, корхонада харажатлар аудитини ташкил этиш харажатлар устидан назорат қилишни, таҳлилни амалга оширишни, маҳсулот

таннархини иқтисодий асосланган калькуляциясини ва бошқарувчиларни зарур ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаб, молиявий ҳисоботдаги ахборотларни ишончлилигини таъминлаши лозим.

2.3. Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларининг аудиторлик таҳлили.

Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳслот таннархини аудиторлик текширувини ўтказаш жараёнида аудитор томонидан амалга ошириладиган таҳлиллар Ўзбекистон Республикасининг Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти №13-сон "Таҳлилий тадбирлар" асосида тартибга солинади.

Мазкур стандартнинг талаблари барча аудиторлик ташкилотлари учун расмий аудиторлик хулосасини тайёрлашни кўзда тутувчи аудитнинг амалга оширилиши чоғида мажбурий бўлиб ҳисобланади. Стандарт талаблари, унинг натижалари бўйича расмий аудиторлик хулосаси тайёрлашни кўзда тутмайдиган аудитнинг амалга оширилиши вақтида, шунингдек, аудитга турдош хизматлар (консалтинг хизматлари) кўрсатилиши вақтида тавсиянома тусида бўлади. Аниқ топшириқ бажарилиши вақтида мазкур стандартнинг мажбурий талабларидан четга чиқилган ҳолларда аудиторлик ташкилоти буни ўзининг иш хужжатларида ва аудит ҳамда унга турдош хизматларга буюртма берган хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига бериладиган ёзма ҳисоботда мажбурий тартибда келтириб ўтиши лозим.

Таҳлилий тадбирларни қўллаш таҳлил этилаётган кўрсаткичлар ўртасидаги сабабий-оқибат алоқасининг мавжудлигига асосланади. Таҳлилий тадбирларнинг мақсадлари:

- хўжалик фаолиятининг эҳтимолли таваккалчиликлар соҳасини белгиловчи ғайриоддий ёки нотўғри акс эттирилган фактлари ва натижаларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш;

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ўрганиш;
- муфассал аудиторлик тадбирлари сонини қисқартириш;
- юзага келган саволларга жавоб олиш мақсадида тестдан ўтказишни таъминлаш.

Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини аудиторлик текшируви жараёнида таҳлилий тадбирларни қўллаш:

1. Аудиторга аудитни режалаштиришда мижозни яхшироқ тушуниш ва бухгалтерия балансларини текшириш орқали аудитдаги таваккалчилик даражасини белгилаш имкониятини беради.

2. Бошқа аудиторлик тадбирлари сони ва ҳажмини қисқартиришга имкон беради.

3. Аудитга аудит вақтида унинг асосланган, эътиборли фикрини шакллантиришга ёрдам беради.

4. Қўшимча аудиторлик тадбирларини талаб этувчи текширув соҳалари аниқлаб бериши мумкин бўлган молиявий муаммоларнинг мавжудлигини узил-кесил текшириш вазифасини бажаради.

Таҳлилий тадбирлар аудитнинг бутун жараёни давомида бажарилиб, у қуйидагилардан таркиб топади:

1. Тадбирлар мақсадини белгилаш;
2. Тадбирлар турини танлаш;
3. Тадбирларни бажариш;
4. Бажарилган тадбирларни таҳлил этиш.

Таҳлилий тадбирларни бажариш босқичида аудитор қуйидагилардан танлаб фойдаланади:

1. Оддий солиштириш;
2. Ҳисобот даврида бирор-бир кўрсаткичнинг ўзгариш тамойилларини ва уларнинг келгуси ёки ўтган даврлардаги тарқалишини аниқлаш;
3. Бирор-бир кўрсаткичлар ўртасида миқдорий ўзаро алоқадорликларни келгуси ёки ўтган даврларда уларнинг қийматларини ҳисоблаб чиқиш мақсадида аниқлаш.

Таҳлилий тадбирлар йигма молиявий ҳисоботга ҳам, алоҳида балансга ажратилган таркибий бўлинмаларга ҳам қўлланиши мумкин. Таҳлилий тадбирлар натижаларининг ишончилиги аудитор томонидан аниқланмаганлик таваккалчилиги, ички хўжалик таваккалчилиги ва назорат воситалари таваккалчилиги даражасининг тўғри баҳоланишига боғлиқ.

Аудитор тўқимачилик корхоналарида харажатлар таркибининг хусусиятига эътибор қаратади, бунда жами харажатларнинг 83 – 86 % ни материаллар қиймати ташкил этади. Қолган 14 – 17% харажат материалларни сақлаш ва қайта ишлаш харажатлари ташкил этади. Харажатларни камайтириш бевосита маҳсулот таннархини пасайтириб, маҳсулот сотишдан олинadиган фойдани кўпайишига олиб келади. Харажатларни камайтириш эса корхонада мавжуд материал, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига эришилади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларидан бири бўлиб, маҳсулот таннархи ҳисобланади. Таннархнинг пасайиши - ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишига олиб келса, ошиши эса - ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайишига олиб келади. Маҳсулот таннархини омилли таҳлил қилганимизда, маҳсулот таннархига асосан икки омил – харажатлар ҳажми ва маҳсулот миқдори бевосита таъсир қилади. Яъни, харажатлар ошса, таннарх ошади, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайса,

таннарх пасаяди. Шундан келиб чиқиб, харажатларни камайтириш маҳсулот таннархини пасайтиришнинг бош манбаи ҳисобланса, таннархнинг пасайиши корхонада маҳсулот сотишдан олинадиган фойдани кўпайтириш манбаи ҳисобланади.

Аудитор корхонада харажатларни камайтиришга, харажатларни назорат қилиб бориш билан бирга уни иқтисодий асосланганлигини доимо таҳлил қилиш орқали эришади. Харажатларни таҳлил қилиш асосида, фойдаланилмаётган резервлар аниқланиб, харажатларни камайтириш бўйича кўриладиган чора – тадбирлар учун аниқ хулоса ва таклифлар олинади. Харажатларни таҳлил қилишда, уларни камайтириш бўйича тегишли таклифлар берилиши билан бирга, харажатлар самарадорлиги ҳам аниқланади. Чунки харажатларни асосланмаган ҳолда камайтириш, бевосита ишлаб чиқаришга таъсир қилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори камайишига ёки маҳсулот сифатини пасайишига олиб келиши мумкин. Демак, харажатларни камайтириш асосланган ҳолда бўлиши, маҳсулот миқдори ва сифатига салбий таъсир қилмаган ҳолда бўлиши лозим. Бунга фақат харажатларни таҳлил қилиш натижасида олинган ахборотларга таяниб, кўрилган чора – тадбирлар асосида эришиш мумкин.

Маҳсулот таннархи корхоналарда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, бошқарув ва инвестицион қарорлар самарадорлиги ҳолатини белгилаб беради (2.2 -жадвал).

2.2 - жадвал

**«SOTEX TEXTILE» МЧЖда 1тонна ип толасини ишлаб чиқариш
харажатларини харажат элементлари бўйича таҳлили³²**

2012 йил.

/р	Харажат элементлари	Харажатлар.				Меъёрга нисбатан фарқ (+;-).	
		Меъёр бўйича		Ҳақиқатда			
		Суммаси, млн.сўм.	Жамига нисбатан % да	Суммаси, млн.сўм.	Жамига нисбатан % да	Суммада, млн. сўм.	% да
.	Хом ашё харажати	10883	82,43	10832	82,71	-51	-0,47
.	Меҳнат ҳақи харажатлари	451	3,42	430	3,29	-21	-4,98
.	Ижтимоий суғўртага ажратмалари	112	0,86	107	0,82	-5	-4,98
.	Аосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси	60	0,45	58	0,44	-2	-3,38
.	Бошқа харажатлар	1695	12,84	1668	12,74	-27	-1,60
.	Жами ишлаб чиқариш харажатлари.	13203	100,0	13097	100,0	-106	-0,81
.	Қўшимча маҳсулотлар қиймати	1327	-	1327	-	-,+	+, -
.	Маҳсулот ишлаб чиқариш таннари	11876	-	11770	-	-106	-0,90

Аудиторлик таҳлилида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларни харажатлар устидан назорат ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга.

Тўқимачилик корхонасида ўзгарувчан харажатларга қуйидаги харажатлар киради:

1.Таннархга қўшиладиган хом ашё қиймати.

2.Қайта ишлаш харажатларидан:

-Меҳнат ҳақи

-Ягона ижтимоий тўлов

-Электроэнергия

-Ёқилғи

-Ўров материаллари

-Транспорт харажатлари

-Бошқа харажатлар

3.Тайёрлаш ва сақлаш харажатларидан:

-Электроэнергия

-Ёқилғи

-Транспорт харажатлари

-Бошқа харажатлар

Тўқимачилик корхонасида доимий харажатларга қуйидаги харажатлар киради:

1.Қайта ишлаш харажатларидан:

-Амортизация

-Таъмирлаш

2.Тайёрлаш ва сақлаш харажатларидан:

-Меҳнат ҳақи

-Ягона ижтимоий тўлов

-Амортизация

-Таъмирлаш

Маҳсулот (шартли бирликда) ишлаб чиқариш харажатларини доимий ва ўзгарувчан харажатлар бўйича таҳлил қиламиз (2.2- жадвал).

2.2. - жадвал

**Маҳсулот (шартли бирликда) ишлаб чиқариш харажатлари
таҳлили³³**

Йиллар	Харажат турлари				Жами	
	Ўзгарувчан харажатлар		Доимий харажатлар			
	Суммаси, сўм	Жамига нисбатан %да	Суммаси, сўм	Жамига нисбатан %да	Суммаси, сўм	%
2008	912626	89,07	62899	10,93	975525	100,00
2009	1037414	90,47	109251	9,53	1146665	100,00
2010	1168476	91,39	110105	8,61	1278581	100,00
2011	1335471	93,57	91737	6,43	1427208	100,00
2012	1555507	93,13	114815	6,87	1670322	100,00
2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	+642881	+70,44	+51916	+82,54	+694797	+71,22

2.2-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2012 йилда 2008 йилга нисбатан жами харажатлар 694797 сўм ёки 71,2 %га ошган. Жами харажатлар ошишининг 642881 сўми ўзгарувчан харажатлар, 51916 сўми доимий харажатлар ҳисобига бўлган. Таҳлил қилинган даврда ўзгарувчан харажатлар 70,4 %га ёки 642881 сўмга, доимий харажатлар 82,5 %га ёки 51916 сўмга ошган. Ушбу харажатлар салмоғи таҳлил қилинганда, 2011 йилда 2008 йилга нисбатан жами харажатлар ичида ўзгарувчан харажатлар салмоғи 4,1%га ошиб, 93,1 %ни ташкил этган бўлса, доимий харажатлар салмоғи шунга мос равишда 4,1 %га камайиб, 6,9 %ни ташкил этган.

³³ Йиллик ҳисоботнинг 7-ХЛ ва 73-ХЛ шакллари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Хулоса қилганимизда, тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари таркиби аудит давомида атрофлича ўрганилиб, маҳсулот таннархига таъсир этувчи харажатлар гуруҳланиб, корхоналар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш харажатларини бевосита маҳсулот таннархига таъсири аниқланади.

Иккичи боб бўйича хулоса

1. Тўқимачилик корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, инновацион технологияларни жорий этиш сиёсатини давом эттириш билан бирга, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш ички аудитини фаолиятини янада яхшилаш харажатлар устидан назоратни кучайтиришга ва маҳсулот таннархини пасайтириб, маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга олиб келади.

2. Тўқимачилик корхоналарида қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш асосида маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, маҳсулот таннархини пасайтиришда ишлаб чиқариш харажатлари ички назоратини тўғри йулга қўйиш, аудиторлик текшируви натижаларидан фойдаланиш фойдаланиш харажатларни камайитириш ва таннархни пасайтириш имкониятларини тўғри аниқлашга олиб келиб, корхоналар иқтисодий самарадорлигини оширади.

3. Қатъий тежамкорликка эришиш шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари назоратини такомиллаштириш мақсадида корхонада йилига икки марта ички аудит томонидан ишлаб чиқариш харажатларни назорат қилиш мақсадида аудиторлик текширувини ўтказиш ва унинг натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб бориш таклиф қилинди.

III-БОБ. ИЧКИ ХЎЖАЛИК РЕЗЕРВЛАРИНИ ҚИДИРИБ ТОПИШ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1.Тўқимачилик корхоналари фаолиятида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлилининг ахборот манбалари ва қўлланиладиган усуллари

Тўқимачилик саноати корхоналарини таҳлил қилишда, авваломбор, унинг олдида қўйган вазифаларини бажаришда ўзига хос бўлган таҳлил усуллари қўлланилади.

Тўқимачилик саноати корхоналарини_бошқариш тизимида бошқарув таҳлили муҳим ўринни эгаллайди. Таҳлилнинг ўз вақтида қабул қилинган қарорларининг самараси ва сифати унинг тезкорлик билан ўтказилишига боғлиқ бўлади.

Шунга кўра, тўқимачилик саноати корхоналари фаоолияти таҳлили жараёнида ўзига хос ва мос бўлган аниқ ёндашувлар ва махсус усуллар ишлатилади.

Шу сабабли, ушбу корхоналарда таҳлилни ташкил этишда молиявий ҳисоботдаги хўжалик операцияларини мантиқан тиклаш ва бухгалтер ишини орқага қайтариш қобилиятига эга бўлиши муҳим аҳакмият касб этади. Бундан ташқари, иқтисодий назария, бухгалтерия ҳисоби, иқтисод, молия, банк иши, аудит, ички аудит ва бошқа махсус фанлар ўртасидаги боғлиқликни билиши лозим. Бутун ва қисман ўрганишда таҳлил ва синтез бирлиги тамойили ишлатилади. Таҳлил жараёнида бутунлик таркибий қисмларга бўлиб ўрганилади. Бироқ бунинг ўзи етарли бўлмайди.

Шунга кўра, ушбу таҳлилда алоҳида натижалар олиниб, улар умумлаштирилади ва таҳлил синтез билан тўлдирилиши лозим.

Тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятларини ўрганишда ва комплекс таҳлил қилишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва уни қуйидаги жадвалда келтириб ўтамыз:

3.1-жадвал

Тўқимачилик саноати корхоналарини таҳлил қилиш усуллари³⁴

№	Фойдаланилган усуллар	Моҳияти
1.	Ҳисоблаш усули	каср сонларни яхлитлаш, катта қийматларни минг ва млн. сўмларда ифодалаш, мураккаб кўрсаткичларни соддалаштириш ёки уни тўлдирувчи қўшимча кўрсаткичлар ҳисобланади;
2.	Таққослаш усули	кўрсаткичларни бир бири билан таққосланиши таъминланади;
3.	Ўртача кўрсаткичларни ҳисоблаш ва улардан фойдаланиш	ўртача ўлчам арифметик кўрсаткичлар жамида салмоғи ҳар хил бўлган бир неча хилма-хил вариантларнинг ўртача кўрсаткичларини ҳисобланади; (корхонада ишлаётган ишчиларнинг ўртача иш ҳақларини ҳисоблаш, цех бўйича ўртача меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш)
4.	Вариация кўрсаткичларини ҳисоблаш	Вариация коэффицентларини ҳисоблашда нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Масалан, корхона ишчилари томонидан ўтган ва ҳисобот йилларида ишлаб чиқариш нормаларини бажариш фоизлари 115 ни ташкил этган, яъни ўзгармаган. Шу

³⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

		кўрсаткичларга асосланган ҳолда вариация коэффицентини ҳисобласак, у ўтган йили 12,84% ни, ҳисобот йилида эса 11% ни ташкил этган. Бу эса ўтган ва ҳисобот йилида корхонада ишчилар томонидан ишлаб чиқариш нормаларини бажариш суръатлари яхшиланганини, фоизлар орасидаги силжишлар стабиллашганини кўрсатади, яъни корхонанинг сифат кўрсаткичлари яхшиланган;
5.	Гуруҳлаш усули	ўрганилаётган иқтисодий воқелик ўхшаш белгиларига қараб гуруҳларга ажратилади
6.	Кўрсаткичларда баланс боғланишини таъминлаш	корхона ҳисоботидаги рақамлар тўғрилигини текширишда ишлатилади

Шунинг учун, маълумотларни таҳлил қилишда жадвалларнинг тўғри тузилишига алоҳида аҳамият бериш лозим. Чунки таҳлилнинг сифати кўп жиҳатдан жадвалларнинг тўғри тузилишига боғлиқ бўлади. Жадваллар тўғри тузилмаса, иқтисодий жараёнларнинг бир-бирига боғлиқлиги ҳамда уларнинг ривожланишидаги қонуниятларни аниқ кўрсатмайди.

Демак, таҳлил қилиш учун ахборот манбаларининг тўғри ва аниқ даражаси муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун, оператив, бухгалтерия ва бошқа статистик ахборотлардан фойдаланувчилар турли таваккаллар мавжудлигини унутмасликлари лозим. Улар қуйидагилардан иборат:

- қочиб бўлмайдиган таваккалчилик (даромад олишга қаратилган ихтиёрий фаолият билан боғлиқ йўқотишлар таваккали, нохуш шароитлар, тасодифлар ва ҳ.к.);
- аудиторлар томонидан текширилган, бухгалтерия ҳисоботларига ишонч билан боғлиқ бўлган таваккалчилик;
- инсон омили билан боғлиқ бўлган бухгалтерия таваккалчилиги.

Шунга биноан, таҳлилий жараённинг ўзига хослиги тушунчаси, ундаги инсон омили ва таваккалчиликнинг ўрни таҳлилчиларнинг юқори касбий даражаси шаклланиши учун муҳим шарт-шароитлардан бири бўлиб ҳисобланади.

3.2-жадвал

Тўқимачилик саноати корхоналарида таҳлилнинг маълумот манбалари³⁵

№	Маълумот манбалари
1.	Дастлабки маълумотлар ва ҳисоб маълумотлари
2.	Бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари
3.	Моддий, меҳнат воситалари сарф харажатларини акс эттирувчи синтетик ва аналитик ҳисоблар
4.	Таҳлилга тааллуқли ахборотлар
5.	Мемориал ордер-журналлар ва зарур ҳолларда дастлабки ҳужжатлар
6.	Корхонанинг хўжалик ҳисоби фаолияти натижалари ҳақидаги тезкор-ҳисоб маълумотлари
7.	Ўтказилган кузатиш ва тафтиш материаллари

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, аниқ маълумотларга бўлган талаб таҳлил қилинаётган даврга ва таҳлилдан кузатилаётган мақсадга боғлиқдир.

Республикадаги тўқимачилик саноати корхоналари ўзи мустақил равишда фаолиятини истеъмолчилар билан тузилган шартномалар, моддий-техника ресурслари таъминотчилари, бозор талабини ўрганган ҳолда келажакда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва сотиш ҳажмини режалаштиради. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини таҳлил этишда маълумот манбалари қуйидагилардир: саноат корхонаси (бирлашмаси)нинг маҳсулот ҳақидаги ҳисоботи – 1-шакл “Бухгалтерия баланси”, 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” 2-а-шакл “Дебиторлик ва

³⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотнома”, 3-шакл “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида”ги ҳисобот, 4-шакл “Пул оқимлари тўғрисида”ги ҳисобот, 5-шакл “Хусусий капитал тўғрисида”ги ҳисобот, 11-шакл “Мавжуд асосий воситалар ва бошқа номолиявий активлар ҳаракати тўғрисида”ги ҳисобот, 5-С шакл “Корхона харажатлари тўғрисида”ги ҳисобот, Ф.№1-П, саноат корхонаси (бирлашмаси)нинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақидаги ҳисоботи – Ф.№8-П, саноат корхоналарининг маҳсулот етказиб бериш хажми, моддий ресурсларни олиш ва шартномалар тузилишини боришини текшириш – Ф.№1-шартнома; корхонани иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаси; Ф.№1-П «Корхонанинг маҳсулот бўйича ҳисоботи», Ф.№11 «Асосий маблағларни ва бошқа молиявий бўлмаган активларнинг мавжудлиги ва ҳаракат қилиши бўйича ҳисоботи», Ф.№11 «Асосий маблағларнинг мавжудлиги ва ҳаракатланиши» ҳисоботи (саноат ва қурилишдан ташқари халқ хўжалигининг барча тармоқлари, корхоналари учун); Ф.№БМ «Ишлаб чиқариш қуввати баланси», Ф.№7 «Омборхоналардаги ўрнатилмаган дастгоҳлар заҳиралари тўғрисидаги ҳисобот»; Ф.№НО-1 «Ортиқчасидан ташқари ўрнатилмаган дастгоҳларни ҳисобга олиш баланси», Ф.№НО-2 «Ўрнатилмаган ортиқча дастгоҳларни ҳисобга олиш баланси», Ф.№1-фондлар «Асосий фондларни ва пул маблағларидан фойдаланишнинг ҳаракатини бир вақтда ҳисоби», Ф.№1-қайта баҳолаш; Ф.№2-КС «Асосий фонд объектлари ва капитал маблағлардан фойдаланиш режасининг бажарилиш даражаси тўғрисида ҳисобот»; Журнал-ордер 13; асосий маблағларни ҳисобга олиш инвентар карточкалари; корхоналарда ўтказилган асосий маблағлар инвентаризацияси маълумотлари, шунингдек, маълумотларни бошқа манбалари, тайёр маҳсулотлар ҳаракати, жўнатилганлиги ва сотилганлиги ҳақидаги ҳисобот - ҳисобот журнал-ордер №11, омбордаги тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш карточкалари, маҳсулот ишлаб чиқаришни бажарилиши ҳақидаги тезкор (оператив) маълумотлар ва ҳоказолар.

Тўқимачилик саноати корхоналарининг асосий омилларидан бири бўлиб асосан, асосий маблағлар ташкил этади. Уларнинг ҳолати ва фойдаланиш самарадорлиги ушбу корхоналарнинг хўжалик фаолияти натижаларига таъсир кўрсатади.

Тўқимачилик саноати корхоналарининг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш унинг барча техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшиланишига, меҳнат унумдорлигини кўтарилишига, фонд самарадорлигининг ортишига, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига, таннархнинг пасайишига ва капитал сарф-харажатларнинг иқтисод қилинишига олиб келади.

Асосий фондларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлилининг асосий вазифалари корхона ва унинг бўлимларини асосий фондларининг техникавий ҳолатини, айниқса уларнинг фаол қисми – машина ва дастгоҳлар ҳолатини ўрганиш, асосий фондлардан фойдаланиш даражасини аниқлаш; дастгоҳлардан фойдаланиш самарадорлигини вақт бўйича ва ишлаб чиқариш қуввати бўйича аниқлаш; асосий фондлардан фойдаланишнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ва корхонани бошқа иқтисодий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш; асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига фонд самарадорлигини, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда корхона фойдасини ошириш, ички имкониятларни аниқлаб, уларни ишга солиш чора тадбирларини белгилашдан иборат.

Хусусан, тўқимачилик саноати корхоналарида меҳнат ресурсларини таҳлил этиш жараёнида қуйидаги масалалар ўрганилади:

1. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш учун талаб қилинган ишчиларни касб ва малакалари асосида иш жойлари билан таъминланганлиги;
2. Ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат ресурслари (иш вақти) дан унумли фойдаланилганлиги;
3. Меҳнат ресурсларининг самарали ишлатилиши.

Маҳсулот таннархини таҳлил этиш корхона хўжалик фаолиятида катта амалий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Шунинг учун маҳсулот таннархи ҳар томонлама тўлиқ ўрганилиши лозим.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш сарф-харажатларини камайтириш манбаларини излаб топиш;
2. таннарх бўйича режанинг бажарилишини ва унинг аввалги ҳисобот даврига нисбатан ўзгариб боришини объектив баҳолаш, шунингдек амалдаги қонунчиликка молиявий ва шартнома интизомига амал қилишини таъминлаш;
3. сарф-харажатлар бўйича маъсул бўлган марказларни маҳсулот таннархини шакллантиришни тезкор равишда бошқариши учун таҳлилий ахборотлар билан таъминлаш;
4. маҳсулот турлари ва алоҳида ускуналар учун режали ва норматив калькуляциялар, режали сарф-харажатларнинг ҳақиқий ўсиш даражасини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш.

Ушбу вазифалар ва уларни тавсиф қилиш корхонанинг хўжалик фаолиятида маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг катта амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Фойда миқдорининг ошишидан корхонанинг ўзи ҳам, давлат ҳам манфаатдор. Фойданинг ошишига нафақат корхона жамоасининг меҳнат унумдорлигини ошириш натижасида, бошқа омиллар эвазига ҳам эришиш мумкин. Шунинг учун, ҳар бир корхонада, доимий тарзда фойда шаклланишини, тақсимланишини ва ишлатилишини таҳлил этиб бориш зарур.

Аниқ маълумотларга бўлган талаб таҳлил қилинаётган даврга ва таҳлилдан кузатилаётган мақсадга боғлиқдир.

Асосий маблағлар (кўпинча иқтисодий адабиётларда ва амалиётда асосий фондлар деб ҳам аталадиган) ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳолати ва фойдаланиш самарадорлиги корхонанинг хўжалик фаолияти натижаларига таъсир кўрсатади.

Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш унинг барча техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшиланишига, меҳнат унумдорлигини кўтарилишига, фонд самарадорлигининг ортишига, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига, таннархнинг пасайишига ва капитал сарф-харажатларнинг иқтисод қилинишига олиб келади.

Асосий фондларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлилининг асосий вазифалари корхона ва унинг бўлимларини асосий фондларининг техникавий ҳолатини, айниқса уларнинг фаол қисми – машина ва дастгоҳлар ҳолатини ўрганиш, асосий фондлардан фойдаланиш даражасини аниқлаш; дастгоҳлардан фойдаланиш самарадорлигини вақт бўйича ва ишлаб чиқариш қуввати бўйича аниқлаш; асосий фондлардан фойдаланишнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ва корхона бошқа иқтисодий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш; асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига фонд самарадорлигини, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда корхона фойдасини ошириш, ички имкониятларни аниқлаб, уларни ишга солиш чора тадбирларини белгилашдан иборат.

Меҳнат ресурсларини таҳлил этиш жараёнида қуйидаги масалалар ўрганилади:

1. ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш учун талаб қилинган ишчиларни касб ва малакалари асосида иш жойлари билан таъминланганлиги;
2. ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат ресурслари (иш вақти) дан унумли фойдаланилганлиги;

3. меҳнат ресурсларининг самарали ишлатилиши.

Маҳсулот таннархини таҳлил этиш корхона хўжалик фаолиятида катта амалий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Шунинг учун, маҳсулот таннархи ҳар томонлама тўлиқ ўрганилиши лозим.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш сарф-харажатларини камайтириш манбаларини излаб топиш;
2. Таннарх бўйича режанинг бажарилишини ва унинг аввалги ҳисобот даврига нисбатан ўзгариб боришини объектив баҳолаш, шунингдек амалдаги қонунчиликка молиявий ва шартнома интизомига амал қилишини таъминлаш;
3. Сарф-харажатлар бўйича маъсул бўлган марказларни маҳсулот таннархини шакллантиришни тезкор равишда бошқариши учун таҳлилий ахборотлар билан таъминлаш;
4. Маҳсулот турлари ва алоҳида ускуналар учун режали ва норматив калькуляциялар, режали сарф-харажатларнинг ҳақиқий ўсиш даражасини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш.

Ушбу вазифалар ва уларни тавсиф қилиш тўқимачилик саноати корхонасининг хўжалик фаолиятида маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг катта амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Фойда миқдорининг ошишидан корхонанинг ўзи ҳам, давлат ҳам манфаатдор. Фойданинг ошишига нафақат корхона жамоасининг меҳнат унумдорлигини ошириш натижасида, бошқа омиллар эвазига ҳам эришиш мумкин. Шунинг учун, ҳар бир корхонада, доимий тарзда фойда шаклланишини, тақсимланишини ва ишлатилишини таҳлил этиб бориш зарур.

“SOTEX TEXTILE” МЧЖ тўқимачилик корхонасида ишлаб чиқариш ҳажми сотиш ҳажмига тенг. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш

ҳажмининг ўсиши корхона рентабеллиги, фойда ва харажат миқдори тўғридан-тўғри унинг сифатини ошишига таъсир қилади.

3.2. Тўқимачилик саноати корхоналарида таъминот-тайёрлов фаолияти таҳлилини такомиллаштириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида доимий ва ишончли товар етказиб берувчиларни излаш ҳамда улар билан муносабатларни ўрнатиш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун, тўқимачилик саноати корхонасининг таъминот жараёнларида энг қулай муомалаларидан изчил фойдаланиш ва шу асосда бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадга эришишнинг самарали йўлидир. Харидлардан олдин қилинадиган харажатлар – трансакцион (битим, келишув) харажатлар деб юритилади.

Л.Б.Миротин, Қ.Э.Ташбаев ва О.Г.Порошинларнинг фикрига кўра, «Трансакцион харажатларни қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1) миқдорларни қидириш харажатлари – бунга ахборотларни тўплаш, алоқаларни йўлга қўйиш, ўзаро бирга ҳаракатланиш мувофиқлигини аниқлаш ва маълумотлар алмашиш;

2) келишув ва музокара харажатлари – сўровнома, таклифномаларни тайёрлаш ва тарқатиш, музокара ва шартномаларни тузиш харажатлари;

3) томонларнинг манфаатларини таъминлаш харажатлари – илмий изланишлар ва ишланмалар, сифат кафолати келишувлари харажатлари;

4) алмашиш жараёни харажатлари – транспорт ва омбор харажатлари;

5) назорат – ички ва ташқи аудиторлик текширувлари, биринчи намуналарни синаш, материалларни қабул қилиб олиш, якуний назорат ва бошқа харажатлар»³⁶.

³⁶ Миротин Л.Б., Ташбаев Қ.Э., Порошин О.Г. Эффективная логистика. – М.: Экзамен, 2003. – с. 14

Бизнингча, юқоридагилар таркибига «келишувни амалга оширишдаги хизмат сафари ва ҳуқуқшунослар хизмати (агар, корхонанинг ўзида ишловчи ҳуқуқшунослар бўлмаса) харажатлари»ни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Одатда, ҳисобчиликда ушбу харажатлар харид қилинаётган моддий активларнинг бошланғич қийматларига қўшилади, яъни асосий воситаларни сотиб олиш бўйича – 0820 - «Асосий воситаларни харид қилиш» счётида ва материалларни сотиб олиш бўйича – 1500 - «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётида ҳисобга олинсада, лекин трансакцион харажатларнинг ҳажми, миқдори ва ҳисобга олинишига етарли эътибор қаратилмайди.

Бу эса, бизнингча, моддий активларнинг бошланғич қийматининг таркибида трансакцион харажатларнинг улушлари ҳолатини аниқ кўра билмаслик ва бошқарув ҳисобида таъминот жараёни харажатларини юритишда етарлича ҳамда ишонарли ахборот олинмаслигига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқотларимизга кўра, трансакцион харажатлар ҳисобини юритиш ва уларни аналитик ҳисобда алоҳида ишчи счётларда ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир. Тадқиқот объекти ҳисобланган тўқимачилик саноати корхоналари бошқарув ҳисобида таъминот жараёнлари харажатларини бошқариш ва ҳисоб юритиш бўйича амалдаги счётлар режасига қуйидаги қўшимчалар киритишни тавсия этамиз:

1. 0820 - «Асосий воситаларни харид қилиш» счётида – 0828 - «Асосий воситаларни сотиб олиш бўйича трансакцион харажатлар» ишчи счётини қўллаш. Бизнингча, 0828 - «Асосий воситаларни сотиб олиш бўйича трансакцион харажатлар» счётида ҳисобга олиниши ва ушбу харажатларни 5-сон БҲМСнинг 11-бандига қуйидаги харажатларни қўшимча киритиш мақсадга мувофиқдир, яъни:
 - а) асосий воситаларни харид қилиш жараёнидаги шартнома тузиш ва расмийлаштириш харажатлари;
 - б) асосий воситаларни келтириш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш харажатлари;

в) асосий воситаларни харид қилиш бўйича ҳужжатлаштириш жараёнларида ҳуқуқшуносларнинг хизмати харажатлари;

г) асосий воситаларни келтиришда ҳисобдор шахсларга сарфланган харажатлар (яъни, хизмат сафари харажатлари (бунга асосий воситаларни харид қилиш учун сарфланган хизмат сафари харажатларидан бошқа хизмат сафари харажатлари киритилмайди)) ва бошқа харажатлар.

2. 1500 - «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётида – 1520 - «Материалларни сотиб олиш бўйича трансакцион харажатлар» ишчи счётини очиш таклифини берамиз.

1520 - «Материалларни сотиб олиш бўйича трансакцион харажатлар» счётида қуйидаги харажатлар ҳисобга олиниши ва ушбу харажатларни 4-сон БҲМСнинг 9-бандига қуйидаги харажатларни қўшимча киритиш мақсадга мувофиқдир, яъни:

а) материалларни харид қилиш жараёнидаги шартнома тузиш ва расмийлаштириш харажатлари;

б) материалларни келтириш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш харажатлари;

в) материалларни харид қилиш бўйича ҳужжатлаштириш жараёнларида ҳуқуқшуносларнинг хизмати харажатлари;

г) материалларни келтиришда ҳисобдор шахсларга сарфланган харажатлар (яъни, хизмат сафари харажатлари (бунга материалларни харид қилиш учун сарфланган хизмат сафари харажатларидан бошқа хизмат сафари харажатлар киритилмайди)) ва бошқалар.

Ушбу корхоналарда бу счётларнинг аналитик ҳисоби юритилиши таъминот жараёнларида харажатларни тўғри таснифлашга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз. Бизнинг тадқиқот объектимиз ҳисобланган корхоналардан бири ҳисобланган “SOTEX TEXTILE” МЧЖ да юқорида биз тавсия этаётган счётлар бўйича 2007-2011 йиллар мобайнида ҳисоб юритилмаган ва таъминот жараёнларида трансакцион харажатлар инобатга олинмаган ҳолда

иш олиб борилган. Фақатгина хизмат сафари харажатларининг (тадқиқотларимизга кўра, уларнинг таркибида 9400-«Давр харажатлари» счётига киритилувчи харажатларнинг салмоғи кўпроқ) йиллар бўйича умумий ҳисоб-китоблар мавжуд холос, уларнинг таркибида таъминот жараёнларида асосий восита, хом ашё ва материалларни сотиб олишга сарфланган хизмат сафари харажатлари ва бошқаларнинг салмоғи алоҳида, яъни трансакцион харажатлар ажратилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинмаган. Шунингдек, ушбу корхона бошқарув ҳисобида трансакцион харажатларнинг таркибига киритилувчи юқорида биз санаб ўтган харажатлар бўйича ҳеч қандай маълумот мавжуд эмас. (3.3- жадвал)

3.3.-жадвал

“SOTEX TEXTILE” МЧЖ нинг таъминот жараёнида сотиб олинган асосий восита ва материаллар бўйича кўрсаткичлар ҳақида маълумотнома³⁷ (минг сўмда)

Активлар	2008 й.	2009 й.	2010й.	2011й.	2012й.
Асосий воситалар	18053830,9	23608990,2	27587104,9	25248903,0	26244545,0
Номоддий активлар	1115,8	1096,1	553,2	304,0	54,0
Узоқ муддатли инвестициялар	246375,4	246375,4	246375,4	194789,0	179538
Жами	18301322,1	24784081,4	27834653,6	25443996,0	26424137,0
Товар моддий заҳиралар	2582459,9	5135192,9	3587993,1	5774069,0	5636468,0
Дебиторлар	958627,2	698456,1	1055004,6	2026122,0	3111107,0
Пул маблағлари	11759,5	18665,8	49461,0	345164,0	172498,0
Келгуси давр	1085830,0	927619,6	445958,2	3908555	2621563,0

³⁷ «“SOTEX TEXTILE” МЧЖ да 2008-2012 йилларнинг ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.

харажатлари					
Жами	4638676,7	5902314,8	5138416,9	12070760,0	11551636,0

«Тошкяятекстил» ҚҚнинг 2008-2012 йилларда сотиб олган асосий воситаларнинг умумий қиймати 104494924 минг сўм бўлиб, ушбу сумманинг таркибига киритилган трансакцион харажатларни – 0828-«Асосий воситаларни сотиб олиш бўйича трансакцион харажатлар» счётида ва 22716182,9 минг сўм қийматидаги товар моддий захиралар таркибига киритилган трансакцион харажатларни эса, 1520 - «Материалларни сотиб олиш бўйича трансакцион харажатлар» счётида алоҳида ҳисоб-китобни юритиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, хулоса қилинадики, ушбу корхона бошқарув ҳисобини самарали ташкил этиш учун биз таклиф этаётган счётлар ҳисобини юритиб боришлари зарур ҳамда бошқарув ҳисобида қуйидаги бухгалтерия ёзувларини амалга оширишни тавсия этамиз:

1. Материалларни сотиб олишдаги трансакцион харажатлар ҳисобга олиниши бўйича:

Дт 1520-«Материалларни сотиб олиш бўйича трансакцион харажатлар»

Кт 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»;

2. Трансакцион харажатларни материаллар қийматига қўшилиши бўйича:

Дт 1000-«Материаллар»

Кт 1520-«Материалларни сотиб олиш бўйича трансакцион харажатлар»;

3. Асосий воситаларни сотиб олиш бўйича трансакцион харажатлар ҳисобга олиниши бўйича:

Дт 0828-«Асосий воситаларни сотиб олиш бўйича трансакцион харажатлар»

Кт 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»;

4. Трансакцион харажатларни асосий воситалар қийматига қўшилиши бўйича:

Дт 0100-0199 - «Асосий воситалар»;

Кт 0828-«Асосий воситаларни сотиб олиш бўйича трансакцион харажатлар».

Тадқиқотларимизга кўра, юқорида келтирилган бухгалтерия ёзувлари бўйича биз тадқиқот ўтказган объектларда маълумотлар етарлича тизимлаштирилмаган. Корхоналарнинг бошқарув ҳисобида ушбу аналитик ҳисобини олиб бориш, маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшилувчи моддий активларнинг бошланғич қийматлари ва трансакцион харажатларни камайтиришга қаратилган самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга ҳамда таъминот жараёнлари бошқарув ҳисобида трансакцион харажатларни самарали бошқаришга олиб келади деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда, моддий неъматларни яратишда юзага келадиган муаммолардан бири – моддий заҳираларни бошқаришнинг назарий қоидаларини ва уларнинг ҳисобини амалиётга татбиқ этишдир. Бу вазифаларни амалиётда қўллаш ва таъминот жараёнини бошқаришда корхона раҳбариятининг бошқарувчилик маҳоратига боғлиқдир. Ушбу сабабга кўра, таъминот жараёнида менежерлар ишончли ахборотларни қайта ишлашлари, заҳираларни бошқаришнинг самарадорлигига эришиши учун вазифалар белгилаши, таҳлил ўтказиши, заҳиралар яратиш режаларини тузиши ҳамда уларни баҳолаши ва тахминлаши зарур.

Т.П.Карпованинг фикрича: «Моддий ресурсларни режали бошқариш ўзида – кўзланган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш учун етарли бўлган материаллар ҳажмини доимий равишда маъромийликда сақлаш услубини мужассамлаштиради»³⁸

³⁸ Карпова Т.П. Основы управленческого учета. Учебное пособие. – Москва: ИНФРА-М, 1997. – с. 61

Ю.А.Мишиннинг таъкидлашича, «Заҳираларни оқилона ва самарали бошқариш энг аввало, уларнинг етарли ҳажми ва етказиб келишни аниқлаш, шунингдек, моддий ресурсларни тайёрлаш ва сақлаш жараёнида минимал харажатларни таъминлашни назарда тутати»³⁹.

Демак, таъминот жараёнида заҳираларни самарали бошқариш – бу бошқарув ҳисобида харажатлар ҳисобини юритишдир. Буюртмалар бажарилишини ҳисобга олиниши зарур бўлган маълум харажатлар бўлишини талаб этади, чунки ўзига ҳос занжир ҳисобланган – буюртмани бажариш ва етказиб бериш зарур моддий заҳирани шакллантиради, унинг аниқ қиймати шаклланишига таъсир этади.

Илмий изланишларимиз мобайнида заҳиралар яратишда харажатлар ҳисобини юритиш учун қуйидаги муомалаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. (3.4.-жадвал).

3.4. - жадвал

Бошқарув ҳисобида заҳиралар яратишнинг ҳал этилувчи муомалаларнинг асосий вазифалари⁴⁰

Т/р	Заҳиралар	Заҳиралар муомалаларнинг асосий вазифалари
1.	Заҳиралар таъминоти	Эҳтиёж доирасидаги моддий заҳиралар билан таъминлашни режалаштириш ва энг мақбул ҳажмни таъминлаш: а) харидлар бўйича фойдали келишув шартномаларини тузиш; б) материаллар учун мол етказиб берувчилардан чегирмалар олишга эришиш.
2.	Заҳирани етказиб бериш, заҳирани шакллантириш харажатлари	а) мол етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш ва унда маҳсулот етказиб беришни режалаштириш ва унинг вариантлари; б) корхоналар (истеъмолчилар)га харидларнинг марказлашган тақсимоли; в) ТМЗларни яратиш харажатлари ҳисобини юритиш, уларни камайитириш йўллари.

³⁹ Мишин Ю.А. Управленческий учет: управление затратами и результатами производственной деятельности: Монография. – М.: Дело и Сервис, 2002. – с. 103

⁴⁰ Муаллиф томонидан тузилган

		г) захиралар яратиш прогнозларининг таҳлили.
3.	Заҳира таъминоти харажатларининг назорати	а) бошқарув қарорларини қабул қилиш; захиралар яратиш таваккалчиликлари; захираларни омборларда сақлаш харажатларини қисқартириш; б) менежерлар доимий равишда энг яхши, фойдали етказиб беришларни кидириш бўйича иш олиб бориши.

Харидларни тайёрлаш бўйича харажатлар таъминот жараёнида қўйилаётган буюртманинг асосий қисмини ташкил этади.

Буюртмани бажариш харажатларини аниқлаш муаммоси Р.В.Иоффенинг назарида, «Хариднинг бирлиги (бир донаси) бўйича харажатларни қуйидаги формула ёрдамида аниқлайдилар:

$$C_0 / q \quad (1)$$

Бу ерда: C_0 – буюртмани бажариш харажатлари;

q – партия (юк партияси ҳажми).

Формуладан келиб чиққан ҳолда йиллик харажатларни жамлаш зарур.

Кейин йиллик харажатларни йил давомида олинган харидларнинг шартли саноғига кўпайтириб, йиғиндини партия (юк партияси) ҳажмига бўлиш зарур:

$$C_0 = S/q, \quad (2)$$

бу ерда: S – йил давомида олинган харидлар.

Буюртмани бажариш харажатлари – бу транспорда юкларни ташиш, буюртмани етказиб бериш, буюртмани расмийлаштириш қиймати, буюртмани бажаришни назорат қилиш қиймати, ахборотлаштириш харажатларидир. Буюртма бажаришнинг йиллик харажатларини буюртмалар партияси ҳажмини кўпайтириш ҳисобига камайтириш мумкин»⁴¹ - деб таклиф киритган.

Р.В.Иоффенинг ушбу таклифи асосида тезкор таҳлил ўтказиш учун қулайлигидан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, бир бирлик материал

⁴¹ Иоффе Р.В. Логистика. Транспортная, производственная и информационная логистика. – М., ЮНИТА 1. 2000. – с. 57

таъминотини амалга ошириш ва у бўйича харажатларни тўғри ҳисоблашга хизмат қилади. Фикримизча, бошқарув ҳисобида таъминот жараёнини тезкор ички ҳисобни юритишда бундай таҳлил ўтказиш самаралидир.

Буюртма партиялари ҳажмини кўпайтириш таклифи бизнинг фикримизча, доим ҳам объектив эмас, чунки бундай қилинганда буюртмачининг маблағлари айланиши секинлашиши мумкин. Буюртма ҳажмини фақат буюртмачи истеъмол ҳажмини оширганда кўпайтириш мумкин.

Таъминот жараёнида одатда, ахборот бирламчи ҳужжатлар маълумотларидан олинади – бу етказиб келиш, юклаш, тушириш, қайта юклаш ёки камомад, материалнинг бузилиши каби счётлардир. Бу ҳолатда менежерлар учун керак бўлувчи ички тезкор ҳисоб кўринишидаги қўшимча кўрсаткичларни тизимлаштириш зарур. Бухгалтер томонидан ҳисобни юритиш жараёнида таъминот билан боғлиқ бўлган барча ахборот ички ҳисоб ахбороти асосида олинади ва менежерга таъминот харажатлари суммалари ҳақида бошқарув қарори қабул қилиш учун ахборот сифатида тақдим этилади. Бу ахборот фақат ички фойдаланувчилар учун мўлжалланган ахборот ҳисобланиб, ундан фойдаланувчилар таъминот жараёнини бошқаришда турли харажатларни қисқартириш бўйича чоралар қўллаш олади. Шунинг учун бу ҳисоб такомиллаштирилиши зарур.

Тўқимачилик саноати корхоналарининг омбор тузилмаси кичик омборлар ва марказий омборхонадан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири аниқ рақамланган ва уларда ўлчов асбоблари, ёнғинга қарши инвентарлар, юклаш, тушириш ишлари учун воситаларга эга.

Бизнинг назаримизда, харажатларни имкон борича камайтиришнинг бош омил ҳар бир корхона ишлаб чиқариш жараёни харажатларини камайтириши учун таъминот жараёни харажатларини камайтириш мақсадга мувофиқдир. Бошқарув ҳисобида таъминот жараёни харажатларини ташкил

этишда қуйидаги моддалар бўйича ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.
(3.2.14.-жадвал)

Заҳираларни сақлаб туриш харажатлари ҳисобини олиб бориш натижасида олинган ахборот материал оқимни бошқариш учун зарурдир.

Ички ҳисобни аниқ ташкил этиш бир вақтнинг ўзида ҳисобнинг тезкорлигини ҳам оширади. Тезкор ҳисоб эса, бошқарувнинг ажралмас бўлагидир, чунки менежерларга бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўладиган ахборот тезкор бўлиши лозим. Шунинг учун, ҳисобнинг тезкорлигини ошириш материал заҳиралардан фойдаланиш ва омборларда сақлаб туриш харажатлари ҳақидаги ахборотни ўз вақтида олиш имкониятини яратишни таъминлаши керак.

Харажатларни доимий қисқартиш мақсадларида тахмин этиш ва таҳлил қилиш зарурдир, шундагина заҳираларни бошқаришнинг хорижий методларини ўзлаштириш ва кейинчалик харидларни «Аниқ муддатда» тизимини киритиш мумкин бўлади. «Аниқ муддатда» харидлар тизими омбор хўжалигини ташкил этишнинг салмоқли харажатлари ва шунинг билан биргаликда уни сақлаб туриш харажатларидан воз кечишга имкон яратади.

Юқоридаги фикрларимизнинг исботи сифатида Б.А.Хасанов ва А.А.Хашимовлар «Аниқ муддатда» тизими ҳақида қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиздир, улар, «Бу тизим қўлланилганда корхонада товар-моддий заҳираларининг меъёридан ортиқчасини мавжуд бўлиши салбий ҳолат ҳисобланади. Сабаби, уларни сақлашга ортиқча харажатлар талаб этилади, шунингдек, моддий заҳираларнинг тўпланиб қолиши ва молиявий ресурсларнинг ҳаракатсиз туриши корхона фаолияти самарадорлигини сўндиради ва рақобатбардошлигини сусайтиради. Бу тизимда ишлаб чиқариш жараёнида муомалаларнинг қатъий кетма-кетлиги таъминланиб, деталлар, қисмлар ва материаллар фақат фойдаланиш зарурияти туғилгандагина харид қилинади»⁴² - деб таъкидламоқдалар.

⁴² Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. – Т.: Иқтисод-Молия, 2005. 100-б.

Бошқарув ҳисобида омборларни сақлаб туриш харажатлари ҳисобини самарали ташкил этиш учун бизнингча, заҳиралар ва омборларни сақлаб туриш харажатларини қуйидаги моддаларда акс эттириш мақсадга мувофиқдир:

1. Омбор биноларини сақлаш харажатлари:

а) омбор бинолари амортизацияси; б) омбор жиҳозлари амортизацияси;

в) омборни жорий таъмирлаш харажатлари; г) ёритиш, иситиш ва сув таъминоти харажатлари; д) маҳсулотни қадоқлаш учун идиш ва идиш материаллари билан таъминлаш харажатлари; е) омборни ёнғинга қарши инвентарлар билан таъминлаш харажатлари; ё) солиқлар бўйича харажатлар (турлари бўйича); ж) ижара тўлови бўйича харажатлар (агар омбор ижарага олинган бўлса).

2. Хизмат кўрсатиш ходимларига қилинган харажатлар: а) омбор хўжалаги ишчиларининг иш ҳақи; б) ижтимоий тўлов бўйича харажатлар;

3. Транспорт ва кўтариш машиналари, жиҳозлар, маҳсус қурилмалар (совутиш ва шамоллатиш жиҳозлари, кранлар, оғирлик ўлчовчи асбоблар ва ҳоказо)ни сақлаб туриш бўйича харажатлар: а) уларнинг амортизацияси; б) профилактик таъмирлаш харажатлари; в) ёқилғи ва мойлаш материаллари, электр-энергия харажатлари; г) шу воситалар учун мулк солиғи.

4. Заҳираларни сақлаш бўйича зарарлар: а) ноликвид материал заҳиралари мавжудлиги туфайли йўқотишлар; б) материалларни табиий йўқотиш меъёрларидан ортиқча даражада айнаши, йўқолиши, камомади; в) инвентаризация ёки материаллар бўйича жавобгар шахснинг алмаштириш натижалари бўйича тафовутлар; г) нархлар ўзгаришидаги аниқланган фарқ суммалари; д) ёнғин туфайли йўқотишлар; е) материалларни қўриқлаш харажатлари ва ҳоказо.

Заҳираларни яратиш маълум харажатлар келиб чиқишига сабаб бўлади ва асосий мақсад — заҳира бирлиги учун харажатни пасайтиришдир.

Заҳираларни сақлаш харажатларини заҳиралар яратиш харажатлари билан аралаштириб юбормаслик лозим.

Таъминот жараёнида харажатлар ҳисобини юритиш, яъни заҳираларни яратишда бошқарув қарорларини қуйидаги мақсадларда қабул қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. «Харидларни амалга оширмаслик» қарори, агар корхона ўзда ишлаб чиқариш учун бу материалларни ўзи тайёрлай олиши имкониятига эга бўлса;
2. Харидлар туфайли юзага келган даъволар, жарималар, пенялар таҳлили ва назоратини амалга ошириш;
3. Асоссиз ошириб юборилган харажатлар суммаларини аниқлаш;
4. Харид жараёнида ва йўлда етказиб бериш вақтидаги камомад, айниш, бузилиш сабабларини ўрганиш ҳамда уларни қайта қоплаш имкониятларини қидириш;
5. Харажатларни қисқартириш бўйича чоралар кўриш;
6. Етказиб беришларни ўз вақтида режалаштириш (бизнес режа);
7. Тендер асосида амалга ошириладиган етказиб бериш шартномаларини ўз вақтида тузиш;
8. Таъминот бўйича харажатлар ички ҳисобини бозор талабларидан келиб чиқиб ўрнатиш.

Заҳираларни яратиш муаммоларини ҳал этиш ва бошқариш – бу таъминот жараёни вазифасидир. Заҳираларнинг йўқлиги ҳам харажатдир, чунки заҳираларни йўқлиги сабабли ишлаб чиқариш тўхтаб қолиши мумкин.

Шунинг учун, бухгалтер ва менежерлар фойдани аниқлаш мақсадида детални таъмирлаш ёки уни сотиб олиш бўйича таҳлил ўтказиши зарур, баъзан айрим деталларни ишлаб чиқариш бўйича корхона республикада мавжуд бўлмаслиги мумкин, уни чет элдан сотиб олиш учун эса, маблағ етарли эмас, ушбу вазиятдан чиқиш йўли битта детални ҳисобдан чиқарилган асосий воситадан олиш ва таъмирга бериш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва аудитининг назарий ва амалий жиҳатларини тўқимачилик саноати тармоғи мисолида таҳлил қилиш қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди:

1. Тўқимачилик саноати корхоналари бошқарув ва ички назорат тизимини ахборот билан таъминлаш ҳолати тўлиқ жавоб бермайди.

Бухгалтерия ҳисобининг бошқарув ва молиявий ҳисоби қуйи тизимларга ажратилиши лозим. Ахборотлар тизимини ташкил қилиш тармоқдаги корхоналар ҳажми, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турлари ва бошқарув тамойиллари билан белгиланади.

2. Молиявий ва бошқарув ҳисобини қиёсий тавсифлаш корхона фаолиятини самарали бошқариш воситаси бўлиб ҳисобланади. Молиявий ҳисоб маълумотлари ташқи ахборот талабгорлари томонидан қўлланилади ва шунинг учун стандартлаштирилган қоидалар бўйича юритилади. Бошқарув ҳисобининг маълумотлари ички ахборот талабгорлари учун мўлжалланган бўлиб, умум қабул қилинган қоидаларни қўллаш шарт эмас.

3. Бухгалтерия ҳисоби тизимлари, бу гуруҳларнинг манфаат ва талабларини ҳисобга олган ҳолда, уч турдаги мақсадларга хизмат қилади:

-корхона маблағлари, маблағлар манбалари ва уларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш, фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлаш ва хиссадорлар, кредиторлар, давлат муассасалари ва менежерлар олдида умумий молиявий ҳолат ва натижалар ҳақида мунтазам ҳисоботлар бериш;

-бизнес-режа, хўжалик, пудрат шартномалари тузиш, менежерлар корхонани бошқаришда фойдаланишлари учун маълумотлар билан таъминлаш;

-келажакда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун уларни зарур ахборотлар билан таъминлаш.

Бухгалтерия ҳисоби тизимининг юқорида келтирилган мақсадларидан биринчиси молиявий ҳисоб, деб аталади.

Бухгалтерия ҳисобининг қолган икки мақсади эса, бошқарув ҳисоби деб аталади ва ички хўжалик бўлинмалари раҳбарларининг ишлаб чиқаришни бошқаришда зарур бўладиган қўшимча ахборотларга бўлган эҳтиёжларини таъминлайди.

4. Тўқимачилик саноати корхоналарида ҳисоб амалиётини ва тармоқда ишлаб чиқаришни бошқариш тизимининг ахборот таъминотини ўрганиш бошқарув ҳисобини мустақил тизими сифатида ташкил этиш заруратини кўрсатади.

Бошқарув ҳисоби тизимини йўлга қўйиш орқали қуйидаги муҳим масалалар ҳал этилади:

— тўла таннархни шакллантириш ва фойдани аниқлаш—рационал ҳисоб юритиш ва харажатлар устидан назорат ўрнатишни таъминлайди;

— маржинал даромадни аниқлаш учун асос бўладиган қисқартирилган таннархни шакллантириш—маржинал даромад кўрсаткичларининг имкониятлари туфайли бошқарув қарорлари таъминланади.

5. Тўқимачилик саноати корхоналарда харажатларни ҳисобга олиш усулларини тадқиқ қилиш натижалари кўрсатишича, улардан буюртмали усул қўлланилмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисобининг самарали усулларини танлаш, уни жорий қилишнинг ташкилий-технологик жиҳатларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш зарурати вужудга келди. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, харажатларни директ костинг тизими бўйича ҳисобга олиш таклиф қилинди.

Ушбу усул таннархни аниқлаш, назорат ва таҳлил натижасида самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишини таъминлаш асосланди.

6. Бошқарув ҳисобини услубий жиҳатдан таъминлаш учун «Бошқарув ҳисоби намунавий ишчи счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»

ишлаб чиқиш ҳамда унинг таркибида учрайдиган қоида ва тушунчалар таърифи таклиф қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I.Расмий материаллар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 30 август. – Т.: Адолат, 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. 1991 йил 15 февраль.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Норма маслаҳатчи. – Т.: Солиққа оид қонун ҳужжатлари тўплами. 2011. №1.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: Адолат, 1996.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. 1990 йил 31 октябрь № 152-ХП.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: Адолат, 1998.
8. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. (Янги таҳрири). Ўзбекистон Янги қонунлари. – Т.: Адолат, 2001, – Б.260.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистика тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 12 декабрь.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари:

- 1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида” 2007 йил 4

апрелдаги ПҚ-615-сонли қарори.

1.2.2. “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 июндаги ПҚ-475-сонли қарори.

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик субъектлари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 30 августдаги ПФ-3305-сонли Фармони.

1.2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4053-сонли Фармони.

1.2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сонли Фармони.

1.2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1024-сонли Қарори.

1.2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори.

1.2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги “Республикадаги енгил саноат бошқарувини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар:

1.3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори.

1.3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида” №365-сонли Қарори.

1.3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом». – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. 42 (230)-сон.

1.3.4. “Корпоратив бошқарув марказини жойлаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 2 февралдаги 32-сонли Қарори.

1.3.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 258-Қарори.

1.4. Бошқа меъёрий ҳужжатлар

1.4.1. 12-сон "Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш" номли АФМС. ЎЗР Адлия вазирлигида 2007 йил 12 апрелда 1673-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

1.4.2. 9-сон “Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги” АФМС. ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 3 сентябрда 813-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

1.4.3. Аудитнинг халқаро стандартларини кодификациялаштириш. – Тошкент: 2006. № 400-499.

1.4.4. "Изучение и использование работы внутреннего аудита", одобренному Комиссией по аудиторской деятельности при Президенте Российской Федерации 27 апреля 1999 г., протокол № 3.

1.4.5. 610-АХС "Ички аудит хизмати ишидан фойдаланиш" халқаро аудит стандарти. 2000 йил 16 март.

1.4.6. Ўзбекистон аудиторларининг касбга оид ахлоқ Кодекси. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгашининг 2005 йил 26 августдаги 9-сон ва Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси Кенгашининг 2005 йил 25 июндаги 3-сон қарорлари билан тасдиқланган.

1.4.7. Халқаро ички аудиторлик стандартлари. – М.: Халқаро ички аудиторлар институти. 2004.

1.4.8. Аудиторлар учун қўлланма. – Т.: ЎзБАМА, 2007. – 180 б.

1.4.9. Положение о порядке определения критериев для проведения мониторинга и анализа финансово-экономического состояния предприятий от 16.03.2005 г. N ГС-05/0271/1, зарегистрированным МЮ 14.04.2005 г. N 1469.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалар

1.5.1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 92 б.

1.5.2. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.

1.5.3. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш-барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохатларимизнинг пировард мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 200 б.

1.5.4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт

йўли. – Т.: Ўзбекистон, – 2009. – 48 б.

1.5.6. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 64 б.

1.5.7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

1.5.8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

1.5.9. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

1.5.10. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизациялаш қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадимиздир ва асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон – 2010. – 77 б.

1.5.11. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2011 йил 21 январь. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

1.5.12. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2012 йил 19 январь. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2011. – 36 б.

2. Китоб ва туркум нашрлари

2.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами:

а) Бир муаллифнинг

2.1.1. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. Т., Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2001. – 320 б.

2.1.2. Абдукаримов И.Т. Оценка и анализ финансового состояния предприятия. – Тамбов.: ТГЭУ, 2001. – 76 с.

2.1.3. Абдукаримов И.Т. Финансовая отчетность, ее характеристика и подготовка к анализу. Тамбов.: ТГУ. 2002. – 85 б.

2.1.4. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003. – 224 б.

2.1.5. Аврова И.А. Управленческий учет. – М.: Бератор - паблишинг, 2007. – 324 с.

2.1.6. Андреев В.Д. Использование экономического анализа в ревизионной работе. – М.: МКИ, 2005. – 73 б.

2.1.7. Абдуғаниев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари. – Т.: Тошкент молия институти, 2003. – 275 б.

2.1.8. Вахрушина М.В. Бухгалтерский управленческий учет: Учебник для вузов. — 2-е изд., доп. и перераб. - М.: ИКФ (Омега-Л: высш. шк.), 2002. - 528 с.

2.1.9. Горелик О.М. Управленческий учет и анализ: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений.- М.: КНОРУС, 2007. – 256 с.

2.1.10. Данилова Н.Ф. Управленческий учет: курс лекции: учебное пособие для вузов. – М.: Экзамен, 2006. – 188 с.

2.1.11. Ермолович Л.Л. Практикум по анализу хозяйственной деятельности предприятия. Учеб. пособ. – М.: Книжный Дом. 2003. – 228 с.

2.1.12. Ергешев Е.Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. – Т.: Молия, 2005. – 345 б.

2.1.13. Вахрушина М.А. Внутрипроизводственный учет и отчетность. Сегментарный учет и отчетность. Российская практика: проблемы и перспективы. - М.: «АКДИ Экономика и жизнь», 2000.-192 с.

Ивашкевич В.Б. Бухгалтерский управленческий учет: Учебник для вузов.- М.: Экономист, 2004.- 618 с.

2.1.14. Кравченко Л.И. Анализ финансового состояния предприятия. – Минск: Экаунт, 1994. – 496 с.

2.1.15. Кондратова И.Г. Основы управленческого учета: Учеб. пособие. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 160 с.

2.1.16. Карпова Т.П. Управленческий учет: Учебник для вузов. - М.: ЮНИТИ, 2002. - 350 с.

2.1.17. Ковалев В.В. Сборник задач по финансовому анализу. М.: Финансы и статистика. 2003. – 128 с.

2.1.18. Ковалев В.В. Учет, анализ и бюджетирование лизинговых операций. М.: Финансы и статистика. 2004. – 512 с.

2.1.19. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. М.: Финансы и статистика. 2004. – 720 с.

2.1.20. Керимов В.Э. Управленческий учет. - М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2005. – 286 с.

2.1.21. Кукукина И.Г. Управленческий учет. Учеб. пособие – М.: Финансы и статистика, 2005. – 400 с.

2.1.22. Керимов В.Э. Бухгалтерский управленческий учет. Практикум. – 6-е изд. – М.: Дашков и К, 2008. – 100 с.

2.1.23. Молчанов С.С. Управленческий учет за 14 дней. – М.: Эксмо, 2009. – 544 с.

2.1.24. Маркарян Э.А. Управленческий анализ в отраслях: учебное пособие. – 3-е изд., перераб. и доп. - М.: КНОРУС, 2009. – 304 с.

2.1.25. Махмудов. А.Н. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва аудити. – Т.: 2002. – 118 б.

2.1.26. Мишин Ю.А. Управленческий учет: управление затратами и результатами производственной деятельности: Монография. – М.: Дело и Сервис, 2002. – 176 с.

2.1.27. Никандрова Л.К. Бухгалтерский управленческий учет: учебное пособие. – М.: Логос, 2007. – 184 с.

2.1.28. Осипенкова О.Ю. Управленческий учет: Учебник для вузов. - М.: Экзамен, 2002. – 318 с.

2.1.29. Полозова А.Н. Управленческий анализ в отраслях: Учебное пособие для студ. – М.: КНОРУС, 2008. – 336 с.

2.1.30. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. – Т.: Академия, 2002. – 172 б.

2.1.31. Пардаев М.Қ. Лойиҳа таҳлили. – Самарқанд.: Самки, 2001. – 172 б

2.1.32. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд.: Зарафшон, – 2001. – 272 б.

2.1.33. Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. – М.: 2004. – 472 с.

2.1.34. Ришар Ж. Бухгалтерский учет: теория, практика. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 160 с.

2.1.35. Рыбакова О.В. Бухгалтерский управленческий учет и управленческое планирование. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 464 с.

2.1.36. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 345 с.

2.1.37. Тулаходжаева М.М. Корхона молиявий аҳволи аудити. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996. – 208 б.

2.1.38. Тулаходжаева М.М. Система финансового контроля в Республике Узбекистан. – Т.: Мир экономики и права, 1998. – 176 с.

2.1.39. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубият. – Т.: Молия, 2013. – 248 б.

2.1.40. Шеремет А.Д. Методика финансового анализа предприятия. – М.: МП. 1996. – 232 с.

2.1.41. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. – М., Финансы и статистика. 2003. – 366 с.

б) Икки муаллиф

2.1.42. Кондраков Н.П., Иванова М.А. Бухгалтерский управленческий учет: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 368 с.;

2.1.43. Макарьева В.И., Андреева Л.В. Анализ финансово-хозяйственной деятельности организации. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 264 с.

2.1.44. Новиченко П.П., Рендухов И.М. Учет затрат и калькулирование себестоимости в промышленности: Учебник. - М.: «Финансы и статистика», 2005. – 322 с.

2.1.45. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисоби. – Т.: Yangi nashr, 2011. – 312 б.

2.1.46. Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 100 б.

2.1.47. Дўсмуратов Р.Д., Мамадияров Д.У. Қишлоқ хўжалигида бошқарув ҳисоби: услубият ва амалиёт. – Т.: Молия, 2008. – 148 б.

2.1.48. Каплан Роберт С., Нормон Дейвид П. Сбалансированная система показателей. – М.: Олимп – Бизнес. 2004. – 320 с.

2.1.49. Николаева О.Е., Шишкова Т.В. Управленческий учет. Учеб. пособие. - М.: УРСС, 1997. - 366 с.

2.1.50. Новиченко П.П., Рендухов И.М. Учет затрат и калькулирование себестоимости в промышленности: Учебник. - М.: «Финансы и статистика», 2005. – 322 с.

2.1.51. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. – II-қисм. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2001. – 256 б.

2.1.52. Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. – 252 б.

2.1.53. Сухова Л.Ф., Чернова Н.А. Практикум по разработке бизнес-плана по финансовому анализу предприятия. – М.: Финансы и статистика. 2007. – 160 с.

2.1.54. С. Ғ. Қодиров, М. В. Турсунова Тўқимачилик ва енгил саноати корхоналарининг хўжалик фаолияти таҳлили. – Т.: ТТЕСИ, 2006. – 136 б.

2.1.55. Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Бошқарув таҳлили. – Т.: ТДИУ, 2003. – 66 б.

2.1.56. Шеремет А.Д. Негашев Е.В. Методика финансового анализа деятельности коммерческих организациях. – М.: ИНФРА-М. 2004. – 237 с.

2.1.57. Шим Дж, Сигел Дж. Методы управления стоимостью и анализа затрат. – М.: Филин, 1996. – 172 с.

2.1.58. Энтони Р., Дж. Рис. Учет: ситуации и примеры. – М.: Финансы и статистика, 1993. – 348 с.

2.1.59. Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект– М.: Финансы и статистика, 1995. – 415 с.

2.1.60. Сатубалдин С.С. Учет и затрат на производство в промышленности США. – М.: Финансы, 1980. – 141 с.

2.1.61. Палий В.Ф., Вандер Виль Р. Управленческий учет. – М.: Инфра, 1997. – 260 с.

2.1.62. Шеремет А.Д. Управленческий учет. – М.: ФБК-ПРЕСС, 1999. – 512 с.

в) Уч муаллифли

2.1.63. Хасанов Б.А., Хошимов А.А., Пардаева З.А. Бухгалтерия ҳисоби назарияси фанидан мустақил таълим тизими учун кўргазмали қўлланмалар мажмуаси. – Т.: Yangi nashr, 2011. – 252 б.

2.1.64. Управленческий учет: Учебное пособие / Под ред. А.Д. Шеремета. – 2-е изд., испр. – М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2001. – 211 с.;

2.1.65. Хасанов Б.А., Зокирова М.Ш. Алибоев З.А. Ички аудитни автоматлаштириш асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2003. – 162 б.

2.1.66. Шеремет А.Д., Николаева О.Е., Полякова С.И. Управленческий учет. Учебник. – М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2005. – 344 с.

2.1.67. Нидлз Б., Андерсон Х. ва Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 1994. – 496 с.

д) Муаллифлар жамоаси

2.1.68. Ваҳобов А.В. ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. – Т.: Шарқ, 2005. – 580 с.

2.1.69. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2003. – 256 б.

2.1.70. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. – Т.: Меҳнат, 2004. – 338 б.

2.1.71. Подольский В.И., Поляк Г.Б, Савин А.А. и др. Аудит. Учебник. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 186 с.

3. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари

3.1. Махсудов Б.Ю. Бошқарув ҳисобининг ташкилий асослари ва услубияти // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 1997. – 24 б.

3.2. Ортиқов Х.А. Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 1997. – 24 б.

3.3. Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2004. – 33 б.

3.4. Абдуғаниев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритишнинг назарий ва амалий асослари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005. – 41 б.

3.5. Эшнаев Б.Т. Бошқарув ҳисоби ва маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг таҳлили. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2006. – 22 б.

3.6. Мамадияров Д.У. Қишлоқ хўжалигида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва унинг услубиятини ривожлантириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2007. – 21 б.

3.7. Киличева Ф.Б. Корпоратив бошқарув тизимида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.: ЎзР Банк- молия академияси, 2009. – 21 б.

3.8. Маматқулов М.Ш. Бошқарув ҳисобида логистика харажатларини ташкил этишни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.: ЎзР Банк- молия академияси, 2011. – 23 б.

4. Журнал ва газеталардаги мақолаларга ҳаволалар.

4.1. Ҳасанов Б.А. ЛТ тизими бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш асослари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Т.: 2005. № 2.

4.2.

4.3. Мақсудов Б.Ю. Замонавий бошқарув ҳисобининг хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантиришдаги роли / Иқтисодиёт ва таълим, 2012. №3. – Б.

4.4. Холбеков Р.А., Тошпўлатов А.Ш. Фермер хўжаликларида харажатларни самарали бошқариш омиллари. / Иқтисодиёт ва таълим, 2011. №1. – Б.

5. Симпозиум ва конференция ишларига ҳаволалар

5.1. Каримов А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш услублари // Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счётлар режасини амалиётга жорий этиш муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТМИ, 2002. – Б. 128-129.

5.2. Бобинин Л.Ф. Сборник трудов проф. препод. состава ИЭФ по материалам конференции «Казахстан-2030». – Алматы: 1998, - 32 с.

5.3. Хасанов Б.А., Джуманов А.М., Жуманов С. Учет внеоборотных активов в системе управленческого учета. // Разумная таможенная политика - потенциал экономического развития государства: Труды Межд.науч.-практ. конф. Университет МИРАС. – Шымкент: 2005. – с. 365.

6. Статистика ва ҳисобот маълумотлари

6.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007-2011 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

6.2. “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик жамиятининг 2007-2011 йиллардаги молиявий ҳисоботи ва статистик ҳисобот маълумотлари.

7. Интернет сайтлари

7.1. http://ru.wikipedia.org/wiki/Швейная_промышленность.

7.2. http://www.compromat.ru/page_11265.html.

7.3. http://www.legpromsme.ru/content/document_r_A4BA28C2-E5B7-4785-86EA-03FBABA2D805.html.

7.4.http://www.businessuchet.ru/content/document_r_A089A3D0-52FC-43F3-A4E5-441E54AABB7B.html.

7.5.http://www.businessuchet.ru/content/document_r_8CBFF660-B3EB-4E12-B00B-29784F89CC93.html.

7.6.http://www.businessuchet.ru/content/document_r_62FA4CFD-2056-48F1-BB04-4CC884CC3FC5.html.

7.7.http://www.businessuchet.ru/content/document_r_8F93A5F9-2577-4E3F-BD42-370EAC4CA34D.html.

7.8.http://www.legpromsme.ru/content/document_r_A4BA28C2-E5B7-4785-86EA-03FBABA2D805.html

7.9.http://www.businessuchet.ru/content/document_r_A089A3D0-52FC-43F3-A4E5-441E54AABB7B.html